

Ю 25859
0

ШЕРХОН ҚОРАЕВ

Ю 25859
0

МУСТАҚИЛЛИК МОҲИЯТИ



ТОШКЕНТ-2000

2000-3221

ШЕРХОН ҚОРАЕВ

**МУСТАҚИЛЛИК
МОҲИЯТИ**

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 2000

K59

ЎЗБЕКИСТОН

МАДАРИЯ
ЎЗБЕКИСТОН

25859
10 0

0000
O'zb. Res. DK
13221

К 4702620201-84 катъий буюртма 2000
M352 (04)-2000

© Шерхон Қорасв, Фафур
Фулом номидаги Адабиёт
ва санъат нашриёти,
2000 й.

ISBN 5-635-01935-3

МОҲИЯТНИ АНГЛАШ — САОДАТДИР

"Мағзига етдингми?", "Маъносини чақдингми?", "Моҳиятини англадингми?" дейишади ўйга чўмган одамга. Дарҳақиқат, ҳар бир тушунчанинг моҳиятига етиш билан унинг бўй-бастаи ёки қадр-қиммати кўзга ташланади.

Энг улуғ, энг азиз неъмат — мамлакат мустақиллигининг қадрига етиш учун ҳам унинг моҳиятини англашимиз керак. "Кеча ким эдигу, бугун киммиз? Мустамлака тузум миллатнинг қанчадан-қанча фидойиларидан жудо этмадими? Ноҳақ Сибирга сургун қилинган ватандошларимизни эсланг". Қолаверса, мушоҳада учун келинг, яхшиси эркин қушни қафасга солинг. Бирпас ўтиб, қўйиб юборинг. Қани, у кейин сизнинг атрофингизда турармикан, маҳаллангизга ҳам йўлармикан? Сўнг эса қушнинг ўрнига аввал ўзингизни, қолаверса, мамлакатингизни қўйиб кўринг. Сиз шунда Мустақиллик нималигини тушунасиз.

Кўлингиздаги ушбу рисолада журналист Шерхон Қорасев ўз суҳбатлари орқали мустақиллик моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилган.

Китоб зиёли инсон Фаррух Акназаровнинг саъй-ҳаракатлари билан нашр этилаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Албатта, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини юзага чиқариш ҳар биримизнинг бурчимиздир!

Азиз ўқувчи! Сиз, албатта мажмуани охиригача ўқиб чиқинг. Чунки унда илгари сурилган фикрларни билиш, истиқлолни осонлик билан қўлга киритилмаганини англаш, мустақилликни тириклик билан баробар неъмат эканлигини ҳис қилиш ҳаётий заруратдир.

*РУСТАМ ҚОСИМОВ,
иқтисод фанлари доктори*

АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ АВЛОД БЎЛАЙЛИК

Профессор Фаррух АКНАЗАРОВ билан суҳбат

— Бобомиз бир гапни қайта-қайта такрорлаган эдилар: "Ҳали ёруғ кунлар келади, ўғлим". У киши орзу қилган ёруғ кун мамлакат мустақиллиги эканлигини бугун англаб етмоқдаман. Ҳа, истиқлол шоир таъбири билан айтганда, миллатнинг елкасига офтоб теккизди, орзуларини рўёбга чиқарди, — дейди Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ректори, профессор Фаррух Акназаров. Мустақиллик — бу имтиҳон. У инсон иродасини синовдан ўтказди. Тарих китобларини ўқигансиз, озодлигини асраб қололмаган халқ ўзлигини ҳам йўқотган. Озод юртни журъатли инсонлар қурди. Ўзбек халқи шижоатли, журъатли халқ. Гоҳида мустақилликни тушунмайдиган инсонларни кўриб, куйиб кетаман: "Кўзингни оч, мустамлака мамлакатлар ҳолига боқ. Қара, озодлик учун жон олиб, жон беришмоқда", — дегим келади уларга.

Аждодларимиз мустақиллик учун курашишган деб такрорлаймиз. Ҳолбуки, жасоратли аждодларга муносиб авлод бўлишимиз керак. Муносиб бўлмасак, улар билан фахрланишга маънавий ҳаққимиз йўқ. Кўрқоқларга ёки эътиқоди бўшларга мустақиллик ярашмайди. Ёхуд фарзандларимиз тарих дарсликларини ўқимайди, деб аюҳаннос соламиз. Ахир ҳар бир дарслик ўқишга муносиб бўлсагина уни севиб мутолаа қилиш мумкин. Айниқса, тарих дарсликлари фарзандларимиз юрагида Мустақиллик туйғусини уйғотишда муҳим роль ўйнайди. Чунончи, бу жараёнда ўқитувчи ўрни муҳим аҳамият касб этади. Юракдан чиққан гоё юракка етиб боради. Ўқитувчи мустақиллик аҳамиятини чуқур ҳис қилсагина дарсни ушбу туйғу билан ўта олади.

Ўзбек халқи — истеъдодли халқ. Ўтмишда ҳар икки кишидан бири зиёли бўлган. Чунки, халқимиз қонида илмга чанқоқлик туйғуси мавжуд. XIX асрда Қўқон шаҳрида қосиб ҳам шоир, кулол ҳам шоир, деҳқон ҳам шоир бўлган. Бу эса халқнинг қалбан уйғоқ бўлганлигидан далолат беради. Демокчи-манки, ҳозирги яратилаётган адабиёт дарсликларида халқнинг мана шундай нодир хусусияти асосий ўрин тутиши керак.

Бир ўйлаб кўринг: Юртимизни обод этсак, ўзимизга наф эмасми? Шу замин биздан зурриётларимизга мерос бўлиб қолади-ку?! Унинг равнақига равнақ қўшсак ўзимизнинг обрўйимиз. Ҳа, шу азиз Ватан барчамизники. Унинг уволию савоби ҳар биримизнинг бўйқимизда.

Бир донишманддан сўрашибди: "Сен учун энг қадрли нарса нима?" "Озодлик, — дея жавоб берибди у. Тутқин бўлсанг, бировнинг оғзига қараб яшайсан. Эркин бўлсанг, қалдингни тик тутиб юрасан".

— Домла, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда қишлоқ хўжалигининг алоҳида ўрни бор. Қолаверса, ҳукуматимиз ҳам бунга катта эътибор бермоқда. Сизнингча, бу соҳани ривожлантириш учун яна нималар қилишимиз керак?

— Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишда баркамол кадрларнинг роли беқиёс. Кадрлар салоҳияти қишлоқдаги тараққиёт даражасини белгилайди. Ҳар бир раҳбар амалга оширилаётган ислоҳот моҳиятини тушуниб етсагина силжиш ва ўсиш бўлади. Мен шундай раҳбарларни биламан, ўз ишига масъулиятсизлик билан ёндошади. Ишнинг орқасидан эмас, амал кетидан қувади. Гўёки курси отасидан мерос қолгандек. Ўз вазифангни уддалай олмадингми, бўшатиб бер. Қачонки, ноқобил раҳбар ўзидаги камчиликни тушуниб, ёшларга йўл бериши одатий ҳолга айланса, ҳар бир соҳада кўтарилиш бўлади. Юртбошимиз Қашқадарё вилоятининг навбатдан ташқари сессиясида таъкидлаганидек, вилоят, туман ва хўжалик раҳбарларининг кўпчилиги фақат тилда "ислоҳот"чи бўлгани туфайли эски тизимдан қолган усулларга барҳам берилмаяпти. Хато қилишдан қўрққан раҳбар камчиликка йўл қўймайди. Дарҳақиқат, қишлоқда бошланган ислоҳотларни охиригача етказиш муҳим вазифамиз. Чунончи, ишни тўғри ташкил эта олсак, қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ишлай бошлайди. Мен истардимки, ҳар биримиз, ҳеч бўлмаганда ўз соҳамизни ривожлантиришга озгина бўлса-да, ҳисса қўшсак. Ҳар бир жабҳа ривожланса мамлакатимиз тараққий этади. Тараққий этган мамлакат билан эса ҳамма ҳисоблашади.

Эртамиз порлоқ. Чунки, Президентимиз олиб бораётган ислоҳотлар самара бермоқда. Шу ўринда шоира Муҳтарам Ҳамидованинг шеъри эсга тушади.

Гўзал бу давру даврондан кўнгил шод ўлди, шод ўлди,
Тинчлик, мўллик фаровондин кўнгил шод ўлди. шод ўлди.
Аёл иззат топиб, кўнгил чароғон бўлди, ё Оллоҳ,
Йигитлар улғайиб, юртга кўрғон бўлди, ё Оллоҳ.

Асл авлод бахтидан кўнгил шод ўлди, шод ўлди,
Истиқбол дарахтидан кўнгил шод ўлди, шод ўлди.
Жаҳонда Юртбошим Ислому буюквор бўлди, ё Оллоҳ,
Элим ҳар ишда бугун ташаббускор бўлди, ё Оллоҳ.

БИР НЕЪМАТКИ, ЖОНДАН-ДА ТОТЛИ!

**Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла ОРИПОВ
билан суҳбат**

— Кўпинча бир саволга дуч келамиз: мустақиллик Ватанимизга нима берди? Гарчи такрор бўлса ҳам айтаман: истиқлол тақдиримизни ўз қўлимизга берди, — дейди Абдулла Орипов. Ҳамма нарса ўзимизники бўлди. Ахир бизни озодликдан кейингина дунё тан олди-ку? Қолаверса, бундан ўн йил олдин жаҳон харитасида ўз байроғи, мадҳияси ва гербига эга бўлган мустақил Ўзбекистон бормиди? Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, истиқлол бизга — Ватанга садоқатли авлодни берди. Албатта ҳозирги ёшлар мустақиллик ва уни мустаҳкамлаш учун, керак бўлса жонини ҳам беришга тайёр. Чунки, улар кўз очиб, озод ватанни кўрди. Бугун эса ёш авлод гурури билан "шу азиз Ватан бизники, Тўмарис бизнинг момомиз, Амир Темур бизнинг бобомиз", деб айта олади. Бу эса бизнинг энг улкан ютуғимиз. Негаки, бугунги ёшларнинг юрагида мустақиллик тафти бор. Президентимиз айтганидек, буюк келажакни мана шундай ёшлар кура олади.

— Абдулла ака, Президентимиз миллий гурури, миллий ифтихори туйғуларини одамлар қалбига сингдиришнинг янгича йўли ва усулларини, тарғибот механизминини топиш лозим, деб таъкидладилар. Сизнингча, янгича тарғибот механизми қандай бўлиши керак?

— Дарҳақиқат, ҳали-ҳануз эски замонни кўмсайдиган, мустақилликнинг мазмун-моҳиятини тушунмайдиган ва бугунги нурафшон кунларимизнинг қадрига етмайдиган кимсалар учраб турибди. Мен уларга қаратиб айтмоқчиманки, келинг, ўз-ўзимизга савол берайлик: ким эдигу ким бўлди? Тўққиз йил қиёслаш учун етарли муддат. Мустақиллик озодлигимизни қайтариб берди. Ушбу илоҳий туйғунинг қадр-қимматини қул билмайди.

Мустақиллик туфайли қўлга киритилган ютуқларни эслаш ва эслатиш онгу шууримизни тозалайди. Юртбоши-

миз айтганидек, мустақиллик байрами муносабати билан бошланган ишлар 1 сентябр арафасида бошланиб, сўнг тўхтаб қолмаслиги, доимий равишда давом этиши лозим. Бинобарин, озодлик руҳи ва кайфияти йил 12 ой давом этсин. Содда қилиб айтганда, миллий ғурур ва озодлик туйғуларини одамлар қалбига сингдириш усуллари куруқ гап ва расмиятчиликдан холи бўлиши керак. Шунинг учун салқин кабинетларда жон сақламасдан юракка яқин ва дангал фикрлар билан халқ ичига кириб боришимиз ҳамда эзгу ниятларни, ғоя-туйғуларни тушунтириб беришимиз зарур. Шиорбозлик ва баландпарвоз гаплар ҳеч нарса бермайди. Керак бўлса, биз мустақиллик ғоясини гўдак қулоғига азондек куйишимиз керак. У она алласи бўлиб фарзандларимиз вужудига кирсин. Қачонки, истиқлол деганда юракларимиз ҳаприқиб, тўлқинланиб кетса ва кучимизга куч қўшилса, Юртбошимиз айтганидек, биз бир бутун енгилмас халққа айланамиз.

Мен орзу қилардимки, хорижга борган ҳар бир ёш-қари Ватанимиз, миллатимиз, санъатимиз, илм-урфонимиз ва анъаналаримизни эслатиб турувчи бирон-бир белгини кўрганда ҳаяжонга тушсин ва кўзидан ёш чиқиб "бу байроқ меники", "бу сўзана менинг диёримда тикилган" ва "бу мусиқа - менинг шашмақомим" деб ғурурланса дейман! Ўзбекистонда туғилганига шукроналар айтсин. Шунда биз бобомиз Муқаннадек мустақиллик ғоясига садоқатли ва жадидлардек миллатга жонбоз бўламиз.

Яна шуни ҳам айтишим керакки, озодлик тириклик билан баробар неъматдир. АҚШликлар 250 йил ўтса ҳам мустақилликка эришган санани ўзгача ҳаяжон билан нишонлайди. Улар буни асло бировдан ҳайиқиш ёки кимгадир кўз-кўз қилиш учун байрам қилишмайди, балки ҳар бир фуқаро бу куннинг қанчадан-қанча машаққатлар эвазига қўлга киритилганини теран англайди.

— Халқимиз қалбида истиқлол туйғуларини сингдириш жараёнида адабиётнинг вазифаси нималардан иборат деб ўйлайсиз?

— Адабиётнинг биринчи вазифаси миллатни ўзига-ўзини танитиш ва эзгу-мурод мақсадларнинг ҳаётийлигини халққа тушунтириб беришдан иборат. Жумладан, эрксевар боболаримиз тўғрисида ҳикоя ва романлар ёзиб, ёш авлодга етказсак, адабиётимиз мустақиллик меваси — баркамол авлодни тарбиялашга ҳисса қўшган бўлади. Қолаверса, саёз ва юзаки асарлар, мадҳиябозлик, ура-урачилик билан фақатгина фарзандларимизни бездириб қўйишимиз мумкин. Шу боис ҳар бир асар юракдан ёзилиши ва юракка етиб бориши керак. Баъзида китобхон қалбида ғурурни уйғотиш учун чиройли бир лирик шеър ҳам кифоя қилади.

Мустақиллик давридаги адабиётни шўро тузумидаги асарлар билан муқояса қилиш ҳам китобхон кўзини очади. У кечаги ёлғону бўхтон асосида қурилган тузумнинг асл қиёфасини кўра бошлайди. Шўро мафқурасидан таъм олган бир асарда қуйидагича лавҳа бор: "Эмишки, пахта даласида Ўроқвой Дехқонойни учратиб севги изҳор қилади. Дехқоной айтадики, олдин режани бажариб олайлик, сўнг муҳаббатдан оғиз очасиз". Гарчи бу лавҳа бир қарашда латифадек туюлса-да, афсуски, ўша замоннинг мафқураси эди.

ОЗОДЛИК – ИЛОҲИЙ НЕЪМАТ

**Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин ВОҲИДОВ
билан суҳбат**

Президентимиз Олий Мажлиснинг XIV сессиясида "Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен, аввало, инсонни руҳий покланиш ва юксалишига даъват этадиган, инсон ички оламини бойтадиган, унинг иймоп-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждоини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиламан", — деб таъкидладилар.

— Биринчи навбатда, — деди Эркин Воҳидов, — маъруза турмушимизда кечаётган жараёнларни холис баҳолади. Ижтимоий ҳаётдаги камчиликлар аниқ ва равшан кўрсатилиб, келажак режалар белгилаб берилди. Бундан ташқари, асримиз ниҳоясига етиб бораётган бир паллада жаҳон цивилизациясида ўзбек халқининг ўрни қаерда бўлиши кераклиги ойдинлашди. "Кеча биз қаерда эдигу, бугун қаердамиз? Эртага ўрнимиз қаерда бўлиши керак? Биз келгуси асрга ўзимиз билан нималарни олиб ўтишимиз мумкин? Ва нималардан воз кечиш зарур? Ўз ҳаётимизни қандай йўллар билан яхшиламоқчимиз? Янги асрда қандай муаммоларнинг ечими бизнинг диққат марказимизда турмоғи лозим?" каби саволларга Президентимиз томонидан теран ва дадил жавоб берилди. Юртбошимиз инкор қилиш ғоясидан бунёдкорлик, яъни амалий ҳаракатга ўтиш зарурлигини алоҳида таъкидладилар. Маърузада кўтарилган масалаларга шунчаки муносабат билдириб ўтилмасдан, у ҳали чандон ва пухта ўрганилади. Ҳали ҳар бир ғоя устида бош қотиришга тўғри келади. Биласизми, ҳар бир гапнинг тагида қанчадан-қанча пурҳикмат маъно ва моҳият яширин.

— Эркин ака, давлатимиз раҳбари маънавий юксалиш жараёнини миллат ҳаётининг энг муҳим йўналиши, деб келадилар. Сиз элнинг таниқли зиёлиси сифатида маънавий янгиланиш жараёнидаги асосий вазифалар нималардан иборат деб ўйлайсиз?

— Президентимиз ҳар бир йиғинда сўзлаган нутқларида, ҳукуратимиз томонидан амалга оширилаётган тадбирларда маънавият иқтисодий ривожимиз йўлида қилинаётган ишлардан бир поғона юқори туради, десам янглишмайман. Бизнинг асл палагимиз тоза, наслимиз улуғ. Биринчи навбатда, миллатнинг обрў-эътиборини кўтариш учун эришган энг катта ютуғимиз — бу умумий хонадонимизда қарор топган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликдир. Одамларимиз тафаккури ва ҳаётга муносабати ўзгармоқда. Бугун ўзбек фарзанди тафаккурнинг тор қолишларидан чиқиб, кенг мулоҳаза ва мушоҳада юритмоқда. Лекин бунинг ўзи кифоя эмас. Олдимизда турган асосий вазифа онг хилқатларини, фикр доирамизни кенгайтиришдир. Улуғ адиблардан бири ҳар куни кечқурун ухлашдан аввал хизматчисига: “Эрталаб уйғонишимдан аввал туринг, граф, Сизни буюк ишлар кутмоқда”, деб айтасан дея таъкидларкан. Биз ҳам тонг саҳар уйғонишимиздан олдин бизни буюк ишлар кутаётганлигига ишонч ҳосил қилишимиз керак. Хўш, бизнинг кимдан камимиз бор? Президентимиз маънавиятчилар олдидаги асосий вазифани айтдилар: “Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги аҳвол амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий мероснинг кенг ўрганилиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини билан узвий боғлиқдир”.

Маънавиятчилар халқнинг ғурур-ифтихорини, дунёқарашини уйғотмоқни ўзларига дастуруламал қилиб олишлари зарур. Қачонгача мудраймиз? Кўзларимиздаги ғафлат “лашкарлари”ни тарқатмоқнинг вақти аллақачон етиб келди. Халқ биздан оламшумул ишларни кутмоқда: Биз маънавиятчилар, нима бердигу ва нимадан оқсаяпмиз. Ҳар бир зиёли ўзига мазкур саволни бериши ва амалга оширган ишларни сарҳисоб қилиши — давр талаби. Миллат тақдири ҳал бўлаётган тарихий даврда маънавий янгиланиш жараёнига ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз ва ёниб яшамоғимиз зарур эмасми?!

Таъкидлаш керакки, ҳақиқий тарихимиз ҳали ёзилмаган. Адабиётшунослигимизга ҳам янгича кўз билан қарамоғимиз зарур. Фалсафа фанига ҳам алоҳида эътибор талаб қилинади. Майли, оқсоқ томонларини айтиб ўтирмайман. Ҳар бир олим ўз фанининг мутахассиси бугуннинг нуқтаи назаридан келиб чиқиб, бу борада ўзгаришлар ва ислоҳотлар ясаши лозим. Президентимизнинг барча асарларида бу масалаларга алоҳида урғу берилади. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...” китоби дунёнинг кўзини очди.

бизга малҳам бермоқда. Чунки, кузатишларим кўрсатдики, хоҳ у америкалик бўлсин, хоҳ у Европада яшасин ба-рибир муҳтарам Юргбошимиз асарига мурожаат қилади, ўқийди, ўрганadi. Очиғини айтганда, бу китоб дунёда ян-гилик бўлди.

Маънавият, бу — унинг дунёқараши, яъни келажакни кўра билиши, олдиндан ҳис қилиши, Ватан ишқида ёниши ва буюк бунёдкорлик ишларига жон-жаҳд билан киришувидир. Президентимиз билан Францияга борганимизда у киши ай-тиб қолдилар: "Қаранг одамларга! Кўчаларда бемалол ва хо-тиржам юришибди. Суҳбатлашганингизда кўнглингиз кўтари-лади. Маънавий дунёқараши ҳам чакки эмас. Фарзандлари-мизнинг булардан нима кам бор? Ақл деса ақли бор, меҳнат деса меҳнатқаш. Ахир, Оллоҳ ҳамма нарсани саховатли за-мин билан биргаликда бизга тортиқ қилган-ку?! Шунинг ўзи етарли эмасми?!" Қани энди, ҳар бир ватандошимизда ҳам Президентимиз юрагидаги ана шунақанги ватанпарварлик ҳисси бўлса! Бугун дунё инсоннинг инсонлигини, унинг кий-им-кечаги билан эмас, балки ўткир зеҳни, ақл-фаросати, ҳеч ким айта олмаган гапни айтиши билан ўлчайди. Айтинг, халқимиз бу қудратга қодир эмасми? Бу гапларни ўз-ўзимга айтиб, ёниб кетаман. Тан олишимиз керак, ҳали онгимиз-даги кўп майда-чуйда тушунчалардан, ўтмиш миямизга қоққан занглаган миҳлардан қутулишимиз, уларни суғуриб ташлашимиз лозим. Бунинг учун жуда кагга шижоат керак. Мен ҳамда менинг ёшимдаги кўпчиликда мана шу миҳлар-дан бир-иккитаси мавжудлиги ҳали-ҳануз ишларимизни орқа-га сурмоқда. Истиқлол поезде муттасил елиб бормоқда. Уни тўхтатишнинг иложи йўқ. Бирдан-бир йўл — собитқадам эъти-қод ва миллат дарди билан ёниб яшаш, унинг тақдири учун керак бўлса жонини жабборга бериб, ўз ҳаловатидан юз ўги-ришдан иборат.

Менимча, ХХ аср манзараси шундай: дунёда самога кема юборган жамиятлар билан бир қаторда ярим-яланғоч ка-мон отиб кун кечираётган қабилалар ҳам яшамоқда. Биз биринчи навбатда, шу қутбнинг қайси маконида яшаётган-имизни англаб олишимиз лозим. Бирон-бир миллат кийи-ниши жиҳатидан кўпроқ тараққий этган мамлакатларга яқин бўлиб кўриниши мумкин, аммо маънавияти бутун бўлма-гунча истиқбол кўзгусида фақат сунъий гўзал қиёфасини кўрсатиб тураверади. Биз қутбнинг ўртасидамиз, Худо хоҳ-ласа, олдинга чиқиб оламиз. Бунга менинг ишончим ко-мил. Биз, аввало, ҳар бир ватандошимиз юрагига "шу юрт меники, ҳар бир қаричи учун жавобгарман, мамлакатнинг ривожи менинг салоҳиятим билан ўлчанади", деган туйғу-ларни экишимиз лозим. Зеро, "Шу азиз Ватан барчамиз-

ники". Бир таққослаб кўрайлик. Собиқ шўро даврида қафасда эдигу, "сайролмасдик". Бугун эркинмиз, эркин нафас олаяпмиз, дунёни ҳам эркин кезиб юрибмиз. Барибир эркинликка, мустақилликка ҳеч нарса тенг кела олмайди.

Бугун давр шундай шиддат билан одимлаб бораяптики, ҳаётда ҳар бир инсон ўз ўрнини топиши учун чақмоқдек чақнаши, тилда эмас, амалда ўзини кўрсатиши керак. Хуллас калом, мен яна бир бор айтмоқчиманки, озодлик мол-дунё билан ўлчанмайди, у – илоҳий неъмат.

Мустақиллик туйғуси тўғрисида кўп ва хўп гапирилмоқда. Уни қандай англамоқ керак, деган савол атрофида айланади бу баҳс-мунозаралар, – дейди Эркин Воҳидов. – Аммо, бу туйғу ҳақида қуруқ гапирмасдан уни юрак-юракдан ҳис қилиш керак назаримда. Керак бўлса, Юртбошимизнинг ватан туйғуси билан йўғрилган китобларини ҳар куни ўқиш ва уқиш зарур. У киши ҳар бир асарида мустақиллик моҳиятини чуқур ва атрофлича очиб берганлар. Албатта, истиқлол моҳиятини тушуниш учун ватанпарвар бўлиш керак. Ватанпарвар бўлиш учун эса ўз-ўзини англаш зарур. Ўзини таниган инсон – миллатини танийди.

Бугун яна бир савол кўндаланг турибди: "Биз қандай яшамоқдамиз? Дунё қандай яшамоқда?" Худога шукр, ички ёки ташқи сиёсатда ҳам, иқтисодиёт, маънавият ва бошқа соҳаларда ҳам ўзимизнинг Бош йўналишларимизни белгилаб олдик. Босиб ўтган йўлларимиз тўғрилигини вақтнинг ўзи кўрсатмоқда. Қолаверса, Ўзбекистон МДХда иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан энг барқарор мамлакат. Энг катта муваффақиятимиз шундаки, бугун инсон дунёқараши ўзгармоқда. Бинобарин, инсон онги ўзгарса, жамият янгиланади. Мустақиллик туйғусини шакллантиришнинг энг асосий воситаларидан бири ҳам мана шу. Лекин шунга қарамасдан, халқимизнинг тафаккур даражасини ҳали чандон кўтаришимизга тўғри келади.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, мустақиллигимизга таҳдид солувчи омиллар – маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, ўзибўларчилик ва кўролмасликдир. Биз ўз ичимиздаги мана шундай иллатлардан буткул воз кечишимиз керак. Ўзбекистон XXI асрга кириб бормоқда. Булар бизнинг оёғимизга тушов бўладиган иллатлардир. Келинг, яқин ўтмишдаги хонликлар фаолиятини кўздан кечирайлик. Гарчи, учаласи ҳам ўзбек хонлиги бўлса-да, бир-бирини ажратиб, бирлашмади. Оқибатда, ёв осонликча уларни босиб олди. Маҳаллийчилик миллатни ич-ичидан емиради. Ҳа, қачонки, биз аҳил бўлсак, ҳар қандай вазиятда бир-биримизни суясак, нима оқу нима қоралигини ажрата олсак, ишонтириб айтаманки, мамлакатимиз хавфсизлигига ҳеч ким таҳдид сололмайди.

Яна биз демократик кадриятларнинг энг яхшиларини ўзимизга қабул қилиш билан бирга жамиятимизда эркин баҳс-мунозара муҳитини вужудга келтиришимиз керак. Ушбу улкан вазифани уддалаш Ўзбекистоннинг ҳозирги авлоди зиммасига тушмоқда. Уларни виждонан бажариш бизнинг келажак олдидаги бурчимиздир.

Биз шунга эришмоғимиз керакки, инсон учун тўғри ва ҳалол яшаш, ватанга хизмат қилиш ўзига наф келтирадиган бўлиши керак. Хорижий мамлакатларнинг баъзиларида давлат солиғини вақтида тўламаслик ёки ҳарбий хизматдан бўйин товлаш уят ҳисобланади. Бундай хатога йўл қўйиш шахсий наф эмас, балки катта зиён келтиради. Чунки, жамият ундан юз ўтиради-да!?

Жамиятимизда мустақиллик кишисини шакллантириш учун икки асосга таяниш мақсадга мувофиқ. Биринчидан, ҳар бир инсонга қонунларимиз гўдаклигиданоқ тушунтириб борилиши ва у шу руҳда тарбияланиши лозим. Иккинчидан, миллий одоб-ахлоқ нормалари, умуминсоний кадриятлар, Ватанпарварлик ғояси фарзандларимиз тарбиясида асосий ўрин тутмоғи лозим.

— **Эркин ака, сизнингча, халқимиз қалбига истиқлол ғояларини сингдириш учун яна нималар қилишимиз керак?**

— Ислом Каримов айтганидек, жамиятимизда содир бўлаётган жараёнлар айрим амалдорлар топшириғига биноан эмас, балки белгиланган қонун-қоидалар асосида кечиши лозим. Яъни ўз-ўзидан ишлайдиган механизм яратилиши энг муҳим вазифа.

Маълумки, ҳар бир жамиятнинг ёзилган қонундан ташқари, ёзилмаган қонуни ҳам бўлади. Ёзилган ва ёзилмаган қонунлар ўртасида бирлик бўлса, сиз билан биз истаган ўз-ўзидан ишловчи механизм пайдо бўлади. Бунинг учун эса қабул қилинаётган қонунлар миллий менталитетимиз ва тарихий таркиб топган тафаккуримизга биноан ишлаб чиқилиши даркор. Чунончи, деҳқон далага сув тараса, ариқни нишаб тарафга қараб очади. Борди-ю, у пастдан юқорига ариқ очиб, сувни ҳар қанча қамчиламасин, барибир обиҳаёт баландга кўтарилмайди. Албатта, биз гарчи минг бир фидойилик билан ватанпарварлик ғояларини тарғиб қилмайлик, у жамиятдаги инсонларнинг яшаш тарзига тўғри келмаса, оддий чақирик бўлиб қолавереди. Шунинг учун Юртбошимиз айтганидек, кўп гапиришдан кўра, кўп ишламоғимиз, ишлаганда ҳам жон куйдириб ишламоғимиз муҳим аҳамиятга эга.

Сиз билан биз мулкка давлат эгалик қилган жамиятда яшаганмиз. Гўёки, у мулк ҳамманики эди. Аслида эса ҳеч кимники эмас эди. Бир замонлар шўролар "доҳий"си "талаганни тала" деган шиорни ўртага ташлаб, бойларни та-

лон-тарож қилишга қонуний тус берган эди. Собиқ шўро-лар давлатида халқ мулкани талаш ор ҳисобланмасди, ҳатто, давлат мулкани ўғирлаб, "ўтириб" келганлар қозон-қозон ош берарди. Унга маҳалла аҳлининг келиши ҳам табиий бир ҳол эди. Ҳолбуки, бизнинг ўтмишимизда ҳамма ўғридан ҳазар қилган. Кўзимизни очайлик. Ҳозир худога шукр, мулкка эгалик ҳисси шаклланди. Мулкдорлар синфи вужудга келди. Ҳар ким ўз меҳнатига яраша даромад қилмоқда. Лекин, ҳали-ҳануз одамларимизда собиқ даврдан қолган боқимандалик психологияси мавжудки, у бизнинг тараққиётимизга тўсиқ бўлмоқда.

Мен истардимки, ҳар бир инсон мустамлака жамият билан эркин жамият фарқини чуқур ўйлаб кўрса. Бугун биз бузилган ўлкани тузалган ўлкага айлантираётган халқмиз. Хулоса қилиб айтганда, миллат тақдирига ҳеч ким бефарқ бўлмаслиги керак. Чунки, Ўзбекистон бизники. Уни ҳеч ким четдан келиб обод қилиб бермайди. Ўз келажагимизни ўзимиз қурамыз, шу билан бирга юртимизни ҳам фақат ўзимиз асраймиз.

МУСТАҚИЛЛИК – МАСЪУЛИЯТ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир ҲОШИМОВ билан суҳбат

— Мустақиллик берилмайди, олинади, деган гап бор. Албатта ҳеч ким бизга мустақилликни қўшқўллаб топширгани йўқ, — дейди атоқли адиб Ўткир Ҳошимов. У тасодифий ҳам рўй бергани йўқ. Ун йил аввал Ўзбекистон собиқ шўролар мамлакатида биринчи бўлиб Президентлик тизимига ўтганида ва тўққиз йил аввал Ислоҳ Каримов мамлакатни мустақил деб эълон қилганида — давлатимиз раҳбарининг қиличнинг дамида турганини ҳамма ҳам билавермаса керак. Бунинг учун Юртбошимиз жуда катта мардлик ва қатъият кўрсатган эди. Биз истиқлолга эришиш учун озмунча машаққат чекдикми?! Ҳа, мустақиллик халқимизнинг азалий орзуси эди ва у асрлар давомида шу йўлда курашиб келган. Қанчадан-қанча қурбонлар эвазига қўлга киритилган мустақиллик бу. Китобларда ўқигансиз: аҳмонийлар босқинига қарши курашда Тўмарис момимиз кўплаб жангчи йигитларидан айрилади. Ёки босқинчи Доро мустақиллик курашчиси Широқнинг бошини танидан жудо қилганини эсланг. Македониялик Искандар истилосига қарши курашган аждодларимиз шафқатсизлик билан қириб ташланганини бир кўз олдингизга келтиринг-а. Келинг, яқиндан мисол излайлик. Қатагон қур-

бони бўлган жадидларнинг орзуси ҳам мустақиллик эмас-миди? Дарҳақиқат, аجدодларимиз охириги нафаси қолгунча озодлик учун курашиб келган. Бинобарин, унинг қадри нечоғлик баланд эканлиги тарих саҳифаларини варақла-сангиз боболаримизнинг мардонавор жасорати орқали яққол кўзга ташланади. Уларнинг номини абадийлашти-риш йўлида қилинаётган эзгу саъй-ҳаракатларимиз ҳам бежиз эмас, албатта. Президентимиз ибораси билан айт-ганда, мустақиллик йўлида шаҳид бўлганларнинг чир-қиллаган руҳи шод этилмоқда. "Шаҳидлар хотираси" маж-муининг бунёд этилиши билан истиқлол йўлида қурбон бўлган Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир ва бош-қаларнинг руҳи илк бор таскин топган бўлса ажаб эмас. Бироқ, бу мажмуа нафақат ўтганлар руҳини шод этиш учун, шу билан бирга эртанги авлодга мустамлака тузумнинг чек-сиз кулфатини эслатиб туриш ва истиқлолни қадрлашга даъват этиш учун ҳам лозим.

Менинг назаримда, истиқлолнинг моҳиятини энг ав-вало зиёлилар тушуниб етмоғи керак. Бундан бир неча йил олдин матбуотда машҳур латиш бастакори Раймонд Паулс билан суҳбат эълон қилинди. Газета муҳбири унга "қитмирлик" билан "Сиз СССР халқ аргисти, Давлат му-кофоти совриндори эдингиз. Совет давридаги моддий аҳво-лингиз билан ҳозирги ҳолатингиз ўртасида қандай фарқ бор?" — деб савол берди. "Фарқ бор, — деди машҳур баста-кор. — У пайтда катта гонорар олардим. Шаҳар марказида кўп хонали уйим, шаҳар ташқарисида қасрдек дала ҳов-лим бор эди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ўша қасрнинг бир вақтлар чет элга қочиб кетган эгаси қайтиб келиб, мендан уни тортиб олди. Ҳозир икки хонали уйда истиқомат қиламан. Оладиган ҳақим ҳам ўзига яраша". "Ундай бўлса сиз учун совет даври яхши экан-да?"—деб сўрайди муҳбир. "Йўқ, — дейди қатъий оҳангда бастакор, — мен мамлакатимнинг бир кунлик мустақиллигини ўша қулайликлару мол-давлатта алмашмайман. Мен учун Ва-таним мустақиллиги — энг катта бойлик". Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир зиёли мана шундай фикрламоғи керак. Зеро, истиқлол қадрига етмаслик ўша чирқиллаган руҳ-ларни яна бир бор чирқиллатиш билан баробардир.

— **Ўткир ака, Президентимиз мустақилликка ҳам муно-сиб бўлиш керак, деб таъкидладилар. Сизнингча, муста-қилликка муносиблик қандай бўлади?**

— Гап шундаки, мустақиллик байрамини шунчаки ка-лендар воқеаси деб тушуниш тўғри эмас. Қачонки, 7 ёш-дан 70 ёшгача ва улуғларимиз мустақилликнинг қон-қони-мизга сингиб кетганлигини чуқур тушуниб, юракдан ҳис

этсак, биз озодликнинг қадрига етамиз. АҚШда 4 июн мустақиллик кунини умумхалқ байрами сифатида нишонлашади. Уни ҳамма байрам қилади. Ҳолбуки, Америка қурама мамлакат. Шундай бўлса-да, инглиз ва ҳинду ҳам, француз ва япон ҳам АҚШдаги мустақиллик байрамини ўз шахсий байрами деб ҳисоблайди. Барча миллат вакилларига бирдек меҳр билан қараладиган бизнинг Ўзбекистонимизда ҳам мустақиллик куни мана шундай умумхалқ байрами сифатида тантана қилинмоғи керак.

Кузатишларимга қараганда, "мустақиллик менга нима берди?" деб сўрайдиганлар, "мустақилликка мен нима бердим?" дейдиганлардан кўпроқ. Мустақиллик — бу осмондан чўзма чалпак ёғдирадиган афсонавий нарса эмас. У ҳар кимга ҳуқуқ бериш билан бирга, ҳар кимдан масъулият ҳам талаб қилади. Мустақиллик замирида ёруғ кунлар қадрига етиш масъулияти ётади. Мустақилликка муносиб бўлиш истиқлолни авайлаб асраш, халқ манфаатига хизмат қилиш ва ёниб яшаш демакдир.

Бундан бир неча йил олдин Япония парламентининг раҳбарларидан бири жаноб Кумагай Ўзбекистонга келди. У кишини мезбон сифатида кузатиб юриш камина зиммасига тушди. Кумагай жаноблари билан Самарқандга бориб, бетакрор обидаларни зиёрат қилдик. Самарқанд туманидаги ғарқ пишиб ётган шафтолизор ёнидан ўтиб кетаётганимизда, меҳмон мевалардан кўз узолмай қолди. Мен меҳмоннинг шафтолига кўнгли кетганлигини сезиб, автомобилни тўхтатишни сўрадим ва ҳовучимга сиққунча зарғалдоқ шафтолини узиб меҳмонга тақдим этмоқчи бўлдим. Жаноб Кумагай қаттиқ хижолат чекиб, Японияда бундай шафтолининг ҳар донаси 5 доллар туришини ва ҳаққини тўламасдан мевани емаслигини айтди. Тагин яна бир фикрини алоҳида таъкидлади: "Биз японлар бирон-бир халқ билан ўзаро адоқа ўрнатмоқчи бўлсак, уларни аввало обдон ўрганамиз. Ўзбекистон Марказий Осиёдаги бизнинг энг ишончли ҳамкоримиз ҳисобланади. Чунки, сизнинг юртингизда катта ер усти ва ер ости бойликлари мавжуд. Иккинчидан, Ўзбекистоннинг тинчликпарвар ва меҳнатсевар халқи бор. Учунчидан, Ўзбекистоннинг раҳбари ниҳоятда донодир. Тўртинчидан, ўзбек халқи асрлар давомида ўтроқлашганки, бундай халқда ватан туйғуси кучли бўлади". Ватан туйғуси кучли халқда Истиқлолни авайлаш ҳисси ҳам теран бўлмоғи лозим.

— Озодлик туйғусини халқимиз қалбига синдиришда оммавий ахборот воситалари таъсирчанлигини ошириш учун нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз?

– Оммавий ахборот воситаларига алоқадор шахс сифатида шуни айтмоқчиманки, газета, радио ва телевидениеда мустақиллик ғоясини кенг ва атрофлича ёритишга ҳаракат қилинмоқда. Аммо кўп масалада бўлганидек, истиқлол туйғуси тасвирида ҳам юзакилик кўзга ташланади. Гапларимиз умумий. Бизга умумий гаплар эмас, аниқ мисоллар керак. Мисоллар аниқ бўлса, ўз-ўзидан мустақиллик моҳияти очилади.

Бундан бир неча йил олдин Ҳамза номидаги академик театрда менинг "Қатағон" номли фожеий асарим саҳналаштирилди. Гдлян ва Иванов деган каллакесар гуруҳларнинг саксонинчи йилларда "ўзбек иши" баҳонасида юртимиз ва халқимиз бошига солган кулфатлар ҳақидаги ушбу асар томошабин томонидан қизғин кутиб олинди. Спектакль тугагач, ташқарига чиқсам, бир йигит йиғлаб келиб, қўлимни сиқди ва поччасининг ўз жонига қасд қилишга сабаб бўлган фожеани айтиб берди: "Язнам оддий бухгалтер эди. У ёқдан келганлар "Палончига паказания берасан! Пистончи кўшиб ёзди, деб айтасан!" дея қийнаб юборгач, у кечаси темир йўлга бориб бошини келаётган поездга тутиб берган". Энди ўйлаб кўринг. Агарда ТВ ва радио ёки газетада ўша қатағонларни ўз кўзи билан кўрган ёки бошидан ўтказган кишилар чиқиш қилса, шунинг ўзи мустақилликни қадрлашга даъват эмасми?

Янада содда қилиб айтганда, мустақиллик бўлмаганида, Ислом Каримов "ўзбек иши" деб ноҳақ қамалганларнинг ҳаммасини битта қўймай ўз Ватанига қайтаришга эришмаганида, уларнинг қисмати нима кечарди? Истиқлол инсонга нима берганлиги унинг тақдири орқали очиб берилса яхши бўлур эди.

МИЛЛАТНИ МИЛЛАТ ҚИЛАДИГАН ЁШЛАР

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад ЮСУФ билан суҳбат

Президентимиз ҳар бир маърузаларида ёшларнинг маънавий-руҳий камолоти, жамиятимизнинг бугунги ва келажак ҳаётида уларнинг тутган ўрни масалаларига алоҳида эътибор берадилар. Шу боис мамлакатимизда ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

– "Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етуқ, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз зарур", – дедилар Юртбошимиз Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги нутқларида. Бугунги замонда эътиқодли, шерюрак, ўз шахсий манфаатини миллат манфаатлари билан уйғунлаштиради-

ган, ўз кучига ишониб яшайдиган ёшларни тарбиялаш мамлакатимиз истиқболига пойдевор қуриш демакдир.

Бир нарсани айтай, шўро замони ёшлари билан ҳозирги ёшлар ўртасида осмон билан ерчалик фарқ бор. Энг асосийси, ҳозирги ёш авлодда мустақил, ҳур ва озод, эркин яшаш, курашиш тушунчалари шаклланмоқда. Аммо бир ҳақиқатни тан олиш керакки, ёшлар орасида ҳам дунёни ҳовуздаги тилла балиқдек тушуниб, юрак-бағри тор, шахсий манфаатларини ўйлайдиганлари ҳам бор. Биз миллатнинг кексаю ёш фидойи инсонлари, улар тарбиясига масъулмиз. Йўлбошчимиз сессияда ҳар бир фуқаро учун бу борада қилинажак ишларни аниқ ва лўнда белгилаб берди. **"Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверадим",** — дедилар Юртбошимиз. Кузатишларим бир ҳақиқатни аниқлатди: ёшлар ўртасида маънавий, жисмоний жиҳатдан катта тафовут бор. Бу тафовутларни ёш авлоднинг ҳаётга қандай муносабатда эканлиги билан баҳолаб олиш мумкин. Бугун шундай жараён бошландики, жамиятдаги иллатларга қарши ҳар биримиз шу миллат тақдирини ўйлаб, жон-жаҳд билан курашмоғимиз зарур.

— Сизнингча, бугунги ёшлар жамиятнинг маънавий юксалишида фаол иштирок этяптиларми? Бу борада қандай ютуқ ва камчиликлар мавжуд?

— Энди бировнинг соясига салом берадиган вақтлар ўтиб кетди. Замон чархпалаги айланиб, оқни оққа, қорани қорага ажратмоқда. Жамиятимиз янгича фикрлайдиган, эски кемадан воз кечган, кўпроқ миллат манфаатлари учун қайғурадиган ёшларга муҳтож. Ўзбекистон — ёшлар мамлакати. Аҳолининг 70 фоизини 30 ёшгача бўлган ёш авлод ташкил этади. Биринчидан, ҳар битта ўғил-қизда ўз кучига ишониб яшайдиган собитқадам эътиқодни, янгича дунёқарашни шакллантирмоғимиз даркор. Шуни айтишим керакки, баъзи эски замон одамларининг ёшлар дунёқарашига салбий таъсири ҳанузгача сезилиб қолаяпти. Биз бунга қарши курашиб, эндиликда миллатнинг тақдири учун бутун вужуди билан ўт бўлиб ёнадиган ёшларни тарбияламоғимиз лозим. Жамият шундагина эркин ва фаровон бўлади. Иккинчидан, жойлардаги баъзи раҳбарлар ёшларга паст назар билан қарайди, улардан ўзининг амал курсисини қизғанади. Баланд савиядаги ёшлар билан ишлагиси келмайди. Уткир фикрловчи, миллат манфаати учун жон куйдирадиган ёшларга кўпинча йўл беришмайди. Айтинг, барака тонгур раҳбарлар, бугунми, эртами, барибир ўрнимизга шу келажак авлод келиб ўтирмайдими? Ёшларимизни

2000
3.2.21

қўлласак, миллатимизнинг истиқболини қўллаган бўлмай- мизми? Мен жойлардаги иқтидорли ёшлар билан суҳбат- лашганимда уларнинг уятчанлигини, катталардан ҳайиқи- шини, гапдан ўзини йўқотиб қўйишини, истеъдодини на- моён қила олмаслигини кўриб ачиниб кетаман. Хўш, улар кимдан, нимадан кўрқади? Бугун ўзбекнинг тоғни урса талқон қиладиган, миллатни миллат қиладиган ёшларини камолга етказиш, аниқ мақсадлар сари йўналтириш ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчидир. Шундагина фикрий тарқоқлик барҳам топади, ғояларимиз кучга киради.

— Муҳаммад ака, Сиз XXI аср ёшларидаги қандай хусу- сиятларни кўпроқ қадрлайсиз?

— Президентимиз "Ўзбекистон буюк келажак сари" асар- ларида таъкидлайдилар: "Ҳар бир инсоннинг, айниқса, эн- дигина ҳаётга қадам қўйиб келаятган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам, ғайрат-шижоатга тўла фидо- корлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг асосий шартидир".

Бугун мамлакатимизнинг энг катта ютуғи, менимча, ўзи учун эмас, кўпроқ она-Ватани қадр-қиммати, обрўси учун ёниб яшаётган ёшларни тарбиялашга киришганидир. Мард ва танги ўзбек фарзандининг ягона хусусияти, — ҳеч қачон мол-дунё изидан қувмайди. Бойликнинг қулига айланмай- ди. Ягона мақсади — миллатнинг юзини ёруғ қилишдан иборат. Менинг ёшларга айтадиган битта гапим бор. Энди, укаларим, қўл қовуштириб, ҳадиксираб, кўрқиб ўтиради- ган замонлар ўтди. Одамзод дунёдан ўтгандан кейин ун- дан фақатгина яхши ном қолади. Биздан эса Юртбоши- миз айтганидек, озод ва обод Ватан, тинч ва фаровон ҳаёт қолиши керак.

— Албатта, ҳали ҳам кўпчилик одамларимиз мустақил- ликни осмондан тушган, деб ўйлашади. Гўёки шундай бўлиши керак эди, — дейди Муҳаммад Юсуф. Ҳолбуки, Юртбошимиз миллати равнақи учун жонини жабборга бе- риб, собиқ Иттифоқда биринчи бўлиб Ўзбекистонни мус- тақил деб эълон қилди. Чунончи, бу улкан жасорат ва довюракликни талаб қилган. Йўлбошчининг ушбу қада- мини бошқалар ўт билан ўйнашиш деб баҳолаган. Ваҳо- ланки, мазкур кутлуғ қадам миллатни асраб қолиш ва қуд- ратига қудрат қўшишнинг дебочаси эди.

Қолаверса, мустақиллик эрксевар аждодларнинг қони эвазига қўлга киритилган. Озодлик учун Тўмарис ўғлидан. Спитамен эса бошидан жудо бўлган. Истиқдол деб Му-

қанна оловда ёнган. Ҳа, миллат шаъни учун минглаб фарзандлар ўлимга тик қараб озодликни асраб қолишга ҳаракат қилишган. Тарихда ўз озодлигини сақлолмаган миллат қирилиб кетган.

Инсонда юрак деган анатомик жисм бор. Юрак нафақат инсонда, балки ҳайвонларда ҳам мавжуд. Аммо, ҳаммада ҳам қалб, дил, руҳ бўлавермайди. Қалби, дили, руҳи, орияти ва эътиқоди бўлган одам мустақиллик қадрини билади. Ўз ташвишига ўзи ўралашиб, халқ билан заррача иши бўлмаган инсоннинг жамиятга кераги йўқ. Содда қилиб айтганда, жамиятнинг ҳар бир онгли аъзоси миллат ва мамлакат тақдири учун масъулдир. Мамлакатнинг шаъни-шукуҳи унинг мустақиллиги билан ўлчанар экан, инсоннинг ҳам инсонлиги озод ва эркин юртда яшаши билан белгиланади.

— Муҳаммад ака, мустақиллик тушунчасининг мазмун-моҳиятини ёшларимиз онгига сингдириш учун қандай чоратadbирлар ишлаб чиқишимиз ва нималар қилишимиз даркор деб ўйлайсиз?

— Ёшларимиз жуда билимли. Улар истаган тилда гаплашиб, компьютерни сайратиб юборишади. Дарҳақиқат, улар ўзлаштирган билимлар миллат равақига хизмат қилади. Лекин гап шундаки, биз бутун мамлакат ёшларини уйғотишимиз керак. Улар, “XXI аср Ўзбекистон асри бўлади. Биз ақл билан дунёни дол қолдирамиз. Мамлакатимизни ҳеч кимга бермаймиз”, деб яшашсин. Бунинг учун Юртбошимиз айтганидек, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини ёшлар қалбига сингдиришнинг янгича усул ва механизмларини ишлаб чиқишимиз керак. Гапнинг ўғил боласини айтганда, бизнинг ёшларимизнинг ҳеч кимдан кам жойи йўқ. Боз устига Оллоҳ инъомини қарангки, бошида халқпарвар ва ғамхўр Юртбошиси бор.

Ёшлар ҳақида гапирганда, бир оғриқ жиҳат эсга тушади. Гарчи миллий ғурур ва миллатга фидойилик тўғрисида тўлиб-тошиб ёзсак-да, баъзиларимиз оиламизда фарзандларимизга ватанпарварлик туйғуси тўғрисида лом-мим демаймиз. Турмуш ташвишлари деймиз, уйимизга меҳмондек келиб кетамиз. Бурчимизни эса унутиб қўямиз. Жалололдин Мангубердию Торобий, Куброю Амир Темур ҳақида қизиқиб сўрашса, ўзинг ўқиб ол, деб жеркиб берамиз. Аслида биз ота-оналар эркесвар аждодлар жасорати орқали мустақиллик мазмун-моҳиятини болаларимизга чуқурроқ тушунтириб беришимиз керак. Керак бўлса, озодлик тушунчаси она алласи ва сути билан бола қонига, вужудига кирсин. Ана шунда миллат пайдо бўлади, халқ пайдо бўлади, кўрғон пайдо бўлади.

Айрим ёшларимиздаги маҳаллийчилик иллатига тоқатим йўқ. Ўзбек ўзбекка қараб қаердансиз дейдими-ей?! Ахир бу уят эмасми? Ўзбекистон битта-ку?! Президентимиз айтганидек, Самарқанду Хоразмнинг бетакрор ёдгорликларини, Нурота тоғларида куйлаган бахшиларни, Сурхоннинг ажиб шаршараларини, Фарғона водийсигу Тошкент боғларини, Қорақалпоқ ўланларини Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси "шуларнинг ҳаммаси бизникидир" деб фахр билан айта оладиган даражага етганимизда биз бир бутун ва энгилмас миллат, халқ бўлдик, деб айта оламиз.

Албатта, биз ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаб, бошини бириктирсак мамлакат кипригини ҳеч ким тўқолмайди.

БИЗНИНГ ЙЎЛИМИЗ – ИЛМ ЙЎЛИДИР

Академик Тўрабек ДОЛИМОВ билан суҳбат

– Ўзбекистон ер ости бойликларига ниҳоятда бой мамлакат. Ҳозирги кунга келиб юртимизда 2800 та кон аниқланган. Улар 100 хил қазилма бойликларидан иборат. Шулардан 68 таси эса халқ хўжалигида ишлатилмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, фойдали қазилмаларнинг қиймати 3,5 триллион доллардир, – дейди академик Тўрабек Долимов. Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Ўзбекистон келажаги – буюк давлат" деб айтмоқ учун барча асослар бор. Мамлакатда ҳамма нарса – табиий бойликлар, унумдор ер, қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий, инсоний ва маънавий салоҳият мавжуд. Аммо энг катта бойлигимиз – бу халқимиз, унинг донолиги ва меҳнатсеварлигидир, илмга чанқоқлигидир. Булар орасида илм-фан аҳлининг ўрни алоҳидадир. Фақатгина илмий салоҳияти кучли бўлган мамлакатдагина бундай бойликлар очилиши мумкин. Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, бу конларнинг очилишида минглаб геологлар, муҳандислар, технологларнинг хизмати беқиёс. Савол туғилади: "Юртимизнинг ер ости ва ер усти қазилмаларга бойлиги ўз-ўзиданми ёки...". Йўқ, албатта. Қазилмалар ер остида ҳар хил чуқурликда миллион-миллион йиллар давомида қолиб кетиши мумкин, аммо уларни очиб, ўрганиб, ҳисоблаб халқ ва давлат хизматига бўйсиндириш учун илм керак. Хусусан, Ўзбекистонни юқорида қайд қилинган бойликлари – бу бизнинг мамлакатимизда фундаментал фан ривожланишининг самараси. Ҳ.Абдуллаев, Х.Тўлаганов, О.Акромхўжаев, Ғ.Мавлоновга ўхшаган заҳматкаш буюк олимлар тадқиқотларининг натижаси.

Ҳамма гап шундаки, собиқ Шўролар даврида халқ мана шу неъматлардан маҳрум эди. Ватанимизда жуда катта газ ва нефть конлари бўлатуриб, халқимиз ўчоқда таппи ёқарди. Чунки, истеъмол газ "марказ"нинг хоҳиши билан Бухородан Уралга тортиб кетилган эди. Шу нуқтаи назардан, Истиқлол йиллари Ўзбекистоннинг нефть ва газ мустақиллигига эришиши жуда катта тарихий аҳамиятга эга. Мустақиллик меваларидан бири – бу очилган конлар энди Ўзбекистон хизматида. Эсимда, 1986 йил Тошкентда геологларнинг катта бир анжумани бўлиб ўтди. Шунда иштирокчилар машҳур Мурунгов олтин конини кўриш хоҳишида эканликларини билдирдилар. Гарчи, кон юртимизда жойлашган бўлса-да, уни кўриш учун "марказ"нинг рухсати керак эди. Тасаввур қилиб кўринг-чи, Ўзбекистондаги конни кўриш учун Москвадан рухсат керак эди. Бу "рухсат" ўшанда ҳамма хоҳловчиларга ҳам насиб этавермасди. Яна бир мисол: 60-йилларда мен Чотқол ва Қурама тоғларидаги Боботоғ даҳасини ўргандим, аммо у ерга бориш ва тадқиқот ўтказиш учун "марказ"дан рухсат олинар эди. Иччимдан эзилиб кетгандим ўшанда. Наҳотки, ўз конимизга ўзимиз эгалик қилолмасак, деган оғриқли алам юрагимни эзарди. Илмий тадқиқот юзасидан хорижга чиқмоқчи бўлсак ҳам, минг бир хил текшир-текширдан ўтказилардик.

Мустақиллик бизга ишлаш имкониятини берди. Яқинда биз ЎЗМУ олимларининг "Ўзбекистоннинг фойдали қазилмалари" номли китобимиз нашрдан чиқди. Шўролар даврида бу китобни чоп этишни тасаввур ҳам қилолмас эдик.

Юртимизда 168 та нефть, газ ва конденсат, 41 та рангли металл, 3 та кўмир, 4 та рангли тош ва 522 та қурилиш материаллари конлари мавжуд. Юртимизнинг ҳар қарич ери фойдали қазилмадир.

Юртимизда бир неча ўнлаб олтин конлари топилган. Конларимиздаги олтин захиралари бўйича Ўзбекистон дунёда тўртинчи ўринда туради. Қазиб олиш бўйича саккизинчи ўриндадир. Мустақиллигимизнинг бу соҳага берган энг катта имконияти шундаки, эндиликда олтин тайёр маҳсулот, ёмби ҳолида ишлаб чиқарилмоқда. Кончилик саноатининг ривожланиши мамлакатимиз тараққиётининг асосидир. Бундан ташқари, стратегик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган кўмир, мис, молибден, рух, вольфрам каби конларимиз ҳам мавжуд.

Фақат Республика мустақиллигидан сўнг Юртбошимиз жасурлиги туфайли мана шундай ажойиб конлар юртимизга қайтарилди.

– Тўрабек Нўмонович, нефть мустақиллигининг мамлакатимиз тараққиётида тутган ўрни тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

– Кечагидек эсимда, Юртбошимиз йиғинлардан биринда таъкидладилар, мамлакатимиз йирик нефть захираларига эга бўлиб туриб, нега уни четдан сотиб оламиз. Нефтни қайта ишловчи заводлар қуришга қудратимиз етмайдими? Биз бир нарсани тушуниб етишимиз керак. Нефть мустақиллиги иқтисодий мустақилликнинг бир тури. Қачонки, мамлакат иқтисодий мустақил бўлса, Ўзбекистон тўла мустақил ҳисобланади.

Дарҳақиқат, Президентимиз ташаббуси билан Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи қурилди. Қолаверса, нефть конларини қидирув ишлари жонлантирилди. Эндиликда биз нефть маҳсулотлари билан ўзимизни тўлиқ таъминлабгина қолмасдан, уни хорижга ҳам сотмоқдамиз.

Ўзбекистон МДХда нефть ва газ қазиб олиш суръатини доимий ошириб бораётган ягона давлатдир. 1991–1999 йилларда суюқ углеводород-нефть ва газ конденсатини қазиб олиш 3 марта кўпайди ва йилига 8 миллион тоннани ташкил этди. Газ қазиб олиш 1,4 марта ўсди ва 1999 йилда 55,6 миллиард метр кубга етди. Бу Марказий Осиёдаги энг юқори кўрсаткичдир.

Маълумотларга қараганда, мамлакатимиз МДХда топилган табиий газ захиралари бўйича учинчи ўринни, суюқ углеводородлар бўйича иккинчи ўринни эгаллайди.

Францияга бир гуруҳ олимлар борганимизда олий таълим вазири мадҳиянгизни айта оласизми, деб биздан сўраб қолди. "Ҳа", деб куйлай бошладик. Французлар ҳам ўрнидан кўзгалди. Мадҳияни куйлаяпману, кўзимдан ёш чиқиб кетяпти.

СПОРТ – ТАРБИЯ ДЕМАКДИР

Ўзбекистон Республикаси Давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир МАҲСИТОВ билан суҳбат

– Баҳодир ака, Президентимизнинг "Ўзбекистонда олимпия ҳаракатини янада ривожлантириш ва мамлакат спортчиларини Сидней (Австралия) шаҳридаги XXVII олимпиада ўйинларига тайёрлаш ҳақида"ги Фармони мамлакатимиз спорти ҳаётида катта воқеа бўлди. Фармон ва унинг моҳияти тўғрисида гапириб берсангиз?

— Мустақилликка эришгандан буён мамлакатимизда турли соҳалар каби спортда ҳам улкан ўзгаришлар рўй берди. Спортда қозонган оламшумул ютуқларимиз бундан ўн йил олдин етти уҳлаб тушимизга ҳам кирмаганди. Истиқлол ўзбек спортини дунёга танитди. Юқорида сиз таъкидлаган Фармон мустақиллигимиз меваси. У узоқ муддат амалда бўлиб, мамлакат истиқболини нурафшон эгадиган ҳужжатдир. Унинг айнан Соғлом авлод йилида эълон қилинишида эса катта маъно бор. Чунки, рағбатлантириш бор жойда муваффақият ҳам бор-да! Спортчилари қадрланган юрт албатта тараққий этади. Мен Президентимизнинг Фармонини тарихий ҳужжат демоқчиман. Негаки, бу Фармон бугун, эрта-индин, қолаверса, бундан юз йиллар ке-йин ҳам ўз самарасини бераверади. У келажакка элтувчи чироқдир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, **"ҳеч бир нарса мамлакатни спортчалик машҳур қила олмайди"**. Яшашдан мақсад — яхши ном қолдириш. Шундай экан, Юртбошимиз айтганидек, **"биздан яхши ном, боғ қолсин"**. Бу ҳужжат авлодларимизга ноёб меросдир. Имзоланаётган фармону қарорлар, қилинаётган амалий ҳаракатлар келажакда албатта ўз мевасини беради. Дарҳақиқат, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортнинг равнақ топиши Президентимиз Ислом Каримов фаолияти билан боғлиқ. У кишининг саъй-ҳаракатлари билан қуйидаги ишлар амалга оширилди:

Биринчидан, Ўзбекистонда спорт давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Иккинчидан, жисмоний тарбия ва спорт соғлом авлодни, баркамол инсонни тарбиялаш, миллий генофондни соғломлаштириш воситасига, миллионлаб ватандошларимиз маънавий ҳаётининг ажралмас қисмига айлантирилди. Учинчидан, жаҳон ҳамжамиятида ҳам спорт соҳасида ўз овозимизга эга бўлдик. Дунё Ўзбекистон халқининг жисмоний имкониятлари кучи, салоҳияти, иқтидори беқийс эканлигини эътироф этди. Тўртинчидан, спорт — дини, миллати, ирқи, жинси ва ёшидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси барча фуқароларини жипслаштирувчи, яқдил қилувчи омилга, жамиятда фуқаролараро ва миллатлараро тотувлик, ички барқарорликни мустаҳкамловчи қудратли кучга айланди, миллий ўйинларни ва спорт турларини тиклашга, маънавий ҳаётини янгилашнинг, миллий ўзликни англаш жараёнларининг ажралмас қисми сифатида эътибор берилди. Бешинчидан, ўзбек кураши халқ-қаро спорт тури сифатида тан олинди. Олтинчидан, шуни қувонч билан таъкидламоқчиман, спортни ривожлантириш борасида чиқарилган қатор ҳужжатлар маз-

кур соҳанинг тараққий этишига асос яратди. Бунинг самараси ўлароқ, спортчиларимиз томонидан саккиз йилда дунёнинг кўп мамлакатларида бўлиб ўтган йирик мусобақаларда 800 га яқин олтин, 1600 дан ортиқ кумуш ва бронза медаллари қўлга киритилди. Бу — саккиз юз маротаба Ўзбекистон байроғи энг юқори чўққига кўтарилиб, мадҳиямиз янгради, демак. Бу эса жаҳон эътироф этган ҳақиқат. Ўзбекистон спортининг тан олинишининг нишонасидир. Қисқа вақт ичида ўзбек спортчиларининг шуқуҳи бутун оламни тутди.

— Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ иккинчи сессиясида Юртбошимиз мамлакатимиздаги кўпчилик мактабларда жисмоний тарбия машғулотлари қониқарсиз олиб борилаётганлигини куюниб гапириб ўтдилар. Сизнингча, жойларда жисмоний тарбия ўқитувчисининг мавқеини ошириш учун, умуман, ушбу фанни жонлантириш учун қандай тадбирлар ишлаб чиқиш керак?

— Ҳақиқатан бу масала бўйича жиддий бош қотиришга тўғри келади. Мамлакатимиз раҳбари айтганидек, жойларда жисмоний тарбия дарсига қўл учиди қараш бор. Мактабларда 21041 нафар жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлса, 11854 нафари олий маълумотли, холос. Ўйлаб кўринг, миллатни дунёга танитувчи спортга оид фанни ўрта маълумотга эга бўлган, тажрибасиз ўқитувчининг ўтиши яхши натижа берадими? Чунончи, у ёш болада спортга бўлган қизиқишни уйғотади, дея оласизми? Ахир унинг ўзи ҳам бир ҳаваскор бўлса. Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, жисмоний тарбия фанига шунчаки дарс сифатида қарамаслигимиз керак. Негаки, етук спортчилар ҳам дастлаб мактабда шаклланади. Бинобарин, спортга лоқайдлик ўзимизга ҳурматсизликдир. Яна шуни унутмаслигимиз керакки, спорт бевосита инсон умрининг ёшлик қисми билан боғлиқ. Шунинг учун биз бевосита мактабларданоқ мана шу ёшликнинг қадрига етишга ўрганмоғимиз ва уни спортимиз ривожини учун йўналтирмоғимиз зарур. Ўзингизга маълумки, инсон кексайган сари спортга бўлган лаёқати ҳам чекланиб боради. Ёшликда фарзандларимиз баданида ўт бўлади. Мана шу хислат спортни ҳаракатга келтиради.

— Мактабларни мутахассислар билан тўлиқ таъминлаш борасида қандай чора-тадбирлар кўриляпти?

— Бугунги кунда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда кўплаб ма-лакали кадрлар етиштириш масаласи ўрганиб чиқилмоқда. Чунки, мактаблар бор-йўғи 54 фоиз олий маълумотли жисмоний тарбия ўқитувчилари билан таъминланган, холос. Иккинчидан, бу эҳтиёж тажрибали спортчиларимиз

ҳисобидан қондирилади. Яъни, 536 та спорт мактабимизда фаолият кўрсатаётган 6 мингдан ортиқ мураббийларимиз бунга жалб этилган. Бу эса ўз-ўзидан иқтидорли спортчиларнинг вояга етишига замин яратади. Яна очиқроқ айтиладиган бўлсак, мактаблар фақат ва яна фақат олий маълумотли спорт ўқитувчилари билан таъминланмоғи сув билан ҳаводек зарур. Чунки, мутахассис бўлмаган ўқитувчи ёки бошқа соҳанинг вакили фарзандларимизда спортга бўлган муҳаббатни уйғота олмайди.

Айни пайтда республикадаги мавжуд болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида 262 минг нафар фарзандларимиз 52 спорт тури билан шуғулланади. Жумладан, 367 таси Халқ таълими вазирлигига қарашли, 116 таси эса республика Касаба уюшмалари федерацияси тасарруфидадир. Уларда малакали спортчиларни тайёрлаш жараёни ҳар хил. Халқ таълими тизимидаги спорт мактаблари талабга жавоб бермайди. Умуман, уларнинг ишини қайта кўриб чиқиш лозим. Масалан, республика бўйича болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида ёшларнинг 27 фоизини футбол, 10 фоизини волейбол, 5 фоизини гандбол билан шуғулланувчилар ташкил этади. Аммо, 1998 йилда бу спорт турлари бўйича биронта ҳам спорт устаси тайёрланмади. Эътибор беринг, 6 фоизини баскетбол билан шуғулланувчилар ташкил этган мактаблардан бор-йўғи бир спорт устаси етишиб чиқди. Шунингдек, енгил атлетика, сузиш, кураш, спорт гимнастикаси, стол тенниси, шашка бўйича ва ўсмирлар спорт мактабларидаги аҳвол ҳам қониқарли эмас.

Тўғри, сессияда кўрсатилган камчиликлар бўйича тегишли муассасалар билан зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқдик. Шу ўринда айтмоқчиманки, жойлардаги раҳбарлар ҳам бу соҳага безътибор бўлмасликлари керак. Чунки ўзбек спортининг рейтинги ошса, бу сиз билан бизнинг югуғимиз ва обрўйимиздир. Қолаверса, мамлакатимиз ривожига қўшган ҳиссамиздир.

— **Маълумки, республикамизда ёз мавсумида 6 миллионга яқин мактаб ўқувчилари таътилга чиқадилар. Кўпчилик қисми дам олиш учун оромгоҳларга боради, албатта. Лекин катта қисми кўча-кўйда бекор юрганига кўзимиз тушади. Уларни спортга жалб этиш борасида қандай ишлар қилинмоқда?**

— Қадимги Сўғда ота-она ва маҳалла ўз фарзандини ҳеч қачон бўш қўймасдан, фойдали машғулотлар билан шуғуллантиришар экан. Гап шундаки, ҳар қандай безорилик бекорчилик маҳсулидир. Спорт билан бандлик ҳам болани эгри йўлдан қайтаради.

Ёзги таътил мавсумида фарзандларимизни спортга жалб этиш тадбирларини ишлаб чиқдик. Барча спорт мурабийлари соғломлаштириш оромгоҳларига ва маҳаллалардаги спорт клубларига жалб этилди. Уларнинг мақсади битта, ёш авлодни тўғри тарбиялаш ва ҳақиқий ватанпарварлар бўлиб етишишига зарур шарт-шароит яратиб бериш. Демак, спорт – тарбия воситаси. У ёшларнинг турли оқимларга қўшилиб кетишининг олдини олишда катта ёрдам кўрсатади. Содда қилиб айтганда, спорт ёшларнинг юрагида собит эътиқодни шакллантиради.

Спорт мардлик ва жувонмардлик билан тирик. Ўзбек спортининг ютуғи ҳам шунда. Чунки, бу хусусият миллатнинг энг нодир фазилати, эътиқодимизнинг асоси. Мардлик бўлган жойда шубҳасиз ёвузлик ва қабиҳ ниятлар мағлубиятга учрайди. Ўзбек спорти халқимизнинг мардлиги тимсолидир. Хулоса қилиб айтганда, миллий мафкурамиз бошдан-оёқ мардлик туйғуси билан йўғрилган бўлиши керак. Негаки, мардлик ойдин йўлимизни янада равланлаштиради ва шундай ҳамдир.

ЎЗБЕКЛАР – ҚУДРАТЛИ ХАЛҚ

АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жозеф ПРЕСЕЛ билан суҳбат

– Элчи жаноблари, аввало Сизни давлатимиз томонидан "Дўстлик" ордени билан мукофотланганингиз билан табриклайман. Ўйлаймизки, бундай юксак мукофот билан тақдирланишингиз ҳам икки давлат ўртасидаги ўзаро дўстлик алоқаларининг табора мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир. Шундай эмасми?

– "Дўстлик" ордени билан тақдирланиш мен учун шараф. Ушбу мукофот Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш йўлидаги хизматларимнинг самараси, деб ўйлайман. Хушxabарни "Янгиликлар" дан эшитиб, қувончдан кўзимга ёш келди. Дарҳақиқат, бутунги кунда ўзаро алоқаларимиз ҳар тарафлама кенгайиб бормоқда. Айниқса, ҳозир муносабатлар чуқурлашиб, унинг маҳсули ҳар бир жабҳада намоён бўлмоқда. Жумладан, ҳамкорлигимиз Ўзбекистонга ҳарбий машиналар келтиришда ёки Алишер Навоий номли давлат кутубхонасига компьютерлар мажмуининг тақдим қилинишида яққол кўзга ташланди. Зеро, ҳамкорлик иккита бир-бирига муносиб ва тенг ҳуқуқли давлатлараро муносабатлар даражасида олиб борилмоқда. Фақат АҚШ Ўзбекистон учун эмас, балки Ўзбекистон ҳам АҚШ учун унча-мунча иш-

ларни амалга оширди. Маданий алоқаларга тўхталсак, Тошкентда АҚШнинг машҳур бастакорлари концерт уюштирди. Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси ташаббуси билан бизнинг мамлакатимизда сизнинг бой ва сермазмун тарихингиздан ҳикоя қилувчи кўرғазмалар ташкил қилинди. Шунингдек, Афғонистон можаросини бартараф этишга йўналтирилган "6+2" гуруҳи доирасида ҳам Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз.

— Президент Ислон Каримовнинг ташаббуси билан ташкил этилган "6+2" гуруҳи доирасида АҚШ муаммога барҳам бериш юзасидан қандай ғоя ва таклифларни илгари сурмоқда?

— АҚШ мазкур гуруҳ ташкил этилишини биринчилардан бўлиб ёқлади. Президент Ислон Каримовнинг ушбу таклифи бугунги кун учун муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидламоқчиман. Чунки, Афғонистондаги фуқаролар уруши оқибатида беғуноҳ одамлар қурбон бўлмоқда. Бугун бир мамлакат вайронага айланди.

"6+2" гуруҳининг Тошкентдаги учрашуви ҳам юқори даражада ўтди. АҚШ Ўзбекистоннинг Афғонистондаги можарога чек қўйиш йўлидаги дадил қадамларини қўллаб-қувватлайди.

Маълумки, АҚШнинг "6+2" гуруҳида салмоқли ўрни бор. У ҳам Афғонистондаги тинчлик ўрнатилишидан манфаатдор. Чунки, дунёнинг барча жойида тинчлик ҳукм сурса, тараққиёт юксак пиллапоялар сари кўтарилиб бораверади. Умид қиламанки, гуруҳнинг саъй-ҳаракатлари билан яқин келажакда бу муаммога ҳам нуқта қўйилади. Бунга эса Президент Ислон Каримов айтганидек, фақат муроса йўли олиб боради.

— Маълумки, Президент Ислон Каримов ЕХХТнинг Истамбул саммитида жаҳон ҳамжамияти диққат-эътиборини террорчиликка қарши курашни кучайтиришга қаратди. Эшитишимизга қараганда, Юртбошимизнинг терроризмга қарши халқаро марказ тузиш тўғрисидаги таклифи АҚШ жамоатчилиги томонидан маъқулланмоқда. Сиз дипломат сифатида ушбу ғоянинг аҳамияти ҳақида нималар дея оласиз?

— Ҳақиқатан ҳам мазкур долзарб таклиф бизга маъқул тушди. Чунки, АҚШ ҳам терроризмнинг кучайишидан ғоятда ташвишда. Президент Ислон Каримовнинг мазкур ташаббуси айни вақтида айтилди. Негаки, терроризм, биринчидан, одамлар ҳаётига раҳна солиш билан изоҳланса, иккинчидан, у осойишта турмушга "кўз олайтирмоқда". Терроризмга қарши халқаро марказ тузилишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Биз Ўзбекистон давлати билан бундан буён ҳам терроризмга қарши курашда яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

– Марказий Осиё минтақаси – ядро қуролидан холи ҳудуд, деган ғоя илгари сурилмоқда. Бу ҳам Президент Ислом Каримовга тегишли ташаббус. АҚШ минтақамизнинг ушбу қадамини қандай баҳолайди?

– Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилиш ниҳоятда муҳим ва залворли қадам. Биз Президент Ислом Каримовнинг навбатдаги ташаббусига ҳам хайрихоҳмиз. Негаки, тинчлик бўлган жойда тараққиёт ва ривожланиш бўлади. Ўзбекистон танлаган йўлнинг муваффақияти ҳам ана шунда. Бир томондан, шундай ҳудуд яратилиши учун бир қатор шартларни бажаришга тўғри келади. Камина ҳам қуролсизланиш соҳаси бўйича мутахассис. Бунақанги ҳудудлар тузиш борасида изланиш олиб борганман. Асосийси, бу ҳудуднинг ташкил этилиши минтақадаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлайди.

– Минтақамизнинг экологик фожеаси ҳисобланмиш Орол денгизининг қуриётгани олам дарди сифатида эътироф этилмоқда. Дунё ҳамжамияти ҳам фожеани умумжаҳон муаммоси деб тан олди. Сизнингча, бу борада АҚШ қандай ёрдам ва маслаҳат бера олиши мумкин?

– Орол денгизининг қуришида албатта минтақа аҳолисининг айби йўқ. Бу фожеа шўро тузумининг Марказий Осиё аҳолисига етказган зиёни ҳосиласидир. Дарҳақиқат, Орол – дунё оғриғи. Унинг асл ҳолига қайтариш асло мумкин эмас. Галдаги вазифа – денгизни ҳозирги ҳолатида сақлаб қолишдан иборат. АҚШ Ўзбекистон раҳбариятини денгизни сақлаб қолиш ва Орол бўйида экологик мувозанатни ўрнатиш борасидаги тadbирларини юксак баҳолайди. Яна айтиш мумкинки, денгизни тўлдириш учун минтақада сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш айни муддао. Бу йўлда Марказий Осиё давлатлари ҳамжиҳатликда иш олиб боришлари даркор. Ҳамжиҳатлик мақсадга олиб борувчи кўприк.

АҚШ ҳам керак бўлса технология ва мутахассислар билан кўмак бериши мумкин. Биз ҳам Орол фожеасининг ниҳоятда чуқурлигини теран англаймиз. Ҳатто, экспертларимиз келиб "катта муаммо бор экан", деб таъкидлашди.

– Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига иқтисодий интеграциялашув йўлидан бормоқда. Мазкур жараёнда АҚШнинг ўрни қандай бўлади?

– Биз Ўзбекистоннинг жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишига хайрихоҳмиз. Бунинг учун эса саноатда ва қишлоқ хўжалигидаги хусусийлаштиришни жадаллаштириш, банк-молия ва божхона соҳаларида ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, умумий қонун-қоидалар ишлаб чиқилиши лозим ва ҳоказо. Биз, албатта, Ўзбекистон учун ўз ёрдамимизни аямаймиз. Авваламбор, бу

жараёнга қўшилиш учун Ўзбекистон ҳозиргидек ўз ёрқин йўлидан оғишмай бориши керак.

— **Анъанавий савол. Жаноб Пресел, мана элчилик фаолиятингиз ҳам охишлаб бормоқда. Сизда Ўзбекистонимиз қандай таассурот қолдирди?**

— Ўзбекистонда ўтказган вақтим ажойиб бўлди. Баҳоли қудрат, бир қанча ишларни амалга оширдим. Менга ўзбекларнинг ўзига хос хусусиятларидан меҳмондўстлиги ёқди. Ўзбекистон аҳолиси ўз тарихини чуқур биладиган ва ўзлигини англаган қудратли ҳамда саводли халқ. Саводли халқ билан ишлаш эса кишига завқ бағишлайди. Чунки, улар ҳамма нарсага тушунади.

ЎЗБЕКИСТОН – ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Қарийб 25 йилдирки, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти дунё ҳамжамиятида ўз мавқеига эга. 1992 йилда мамлакатимиз ҳам мазкур ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Қайд этиш жоизки, ҳозирда ЕХХТ доирасидаги қарор ва ҳужжатларни тайёрлашда, қабул қилишда, амалий чоралар ишлаб чиқишда мамлакатимизнинг ўзига хос ўрни бор. Узаро ҳамкорликнинг аҳамияти шундаки, у давлатимизнинг дунёдаги интеграция жараёнларига қўшилишида яқиндан ёрдам беради. Қуйида бу борадаги қатор масалалар бўйича ЕХХТ нинг Ўзбекистондаги доимий вакили Ганчо Ганчев саволларимизга жавоб беради.

— **ЕХХТ йўналишлари ичида хавфсизлик масаласи қандай ўрин тутаяди?**

— Хавфсизлик ғоятда кенг тушунча. Баъзилар ташкилотимиз номида хавфсизлик сўзи борлиги учун уни ҳарбий блок деб ўйласа керак. Ваҳоланки, биз учун ҳамма соҳа бир хил. ЕХХТ иқтисодий ҳамкорликни ҳам, экологик мувозанатни ўрнатишдаги жипслаштиришни ҳам, фуқаролараро муносабатларда мутаносибликни таъминлашни ҳам, таълим ёки соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришни ҳам ўз зиммасига олади. Ҳар бир соҳага эътибор ҳужжатларимизда аниқ-тиниқ кўрсатиб ўтилган. Хавфсизлик ҳам биз учун йўналиш, холос. Юқоридаги тушунча собиқ совет тузумида оқни қора деб тушунтирилган сиёсат оқибатидир. Бироқ, хавфсизликнинг бирламчи ўрин тутиши шундаки, тинчлик ва барқарорлик бўлмаган жойда қандай қилиб инсон ҳуқуқларини кафолатлаш, демократияни тўлиқ ўрнатиш, иқтисодий юксалиш ёки атроф-муҳитни ҳимоялаш тўғрисида гапириш мумкин. Ҳар бир мамлакатдаги тараққиёт ҳам худди мана шу осойишталикдан бошланади. Ташкилоти-

миз ўзаро муносабатларда қуйидаги тамойилларга асосланади:

тенг ҳуқуқлик ва ҳуқуқларни ҳурмат қилиш;
зўравонликка йўл қўймаслик ва куч ишлатмаслик;
чегаралар дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитликни сақлаш;
можароларни муроса йўли билан ҳал қилиш;
ички ишларга аралашмаслик ва давлатлар ўртасидаги

ҳамкорликни ривожлантириш;

инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ҳурфикрлилик, инсофлилик ва ўзаро ишонч принципларига асосланиш;

халқларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилишига йўл очиб бериш;

халқаро ҳуқуқ ва мажбуриятни виждонан адо этиш ва ҳоказо.

Мазкур тамойиллар аъзоларимиз учун меъёр сифатида қабул қилинган.

— Президентимиз Ислом Каримовнинг Истамбул саммитидаги "Терроризмга қарши кураш халқаро маркази"ни тузиш тўғрисидаги таклифига ЕХХТ қандай қарайди?

— Терроризм дунё ҳамжамияти томонидан хавфсизликка таҳдид солувчи реал хавф сифатида тан олинмоқда. Дарҳақиқат, бу иллат ҳозирда ташкилотимизга аъзо давлатлардаги барқарорликка раҳна солмоқда. Дейлик, Тожикистон ёки Қирғизистонда жангарилар қилган хуружларни оқлаб бўлмайди. Бузғунчилар ушбу мамлакатларга ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказди. ЕХХТ бу воқеаларни кўриб, қўл қовуштириб ўтирадими? Ахир бизнинг олдимизга қўйилган вазифалардан бири зўравонликка қарши кураш эмасми?

Президент Ислом Каримовнинг "Терроризмга қарши кураш халқаро маркази"ни очиш тўғрисидаги таклифи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, уч ёки тўрт безори бутун бошли самолётни олиб қочаётган ёхуд йирик аҳоли пунктларида портлашлар уюштирилаётган бир даврда жуда зарур.

Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси эндиликда ЕХХТ мутахассислари томонидан катта эътибор билан кўриб чиқилмоқда. Уйлайманки, бу таклиф келгуси йиғинда маъқулланади. Негаки, мазкур марказнинг очилиши дунё давлатларининг хавфсизлиги сари яна бир дадил қадам бўлса, ажаб эмас. Содда қилиб айтганда, мақсадимиз, терроризмнинг илдизи билан суғуриб, ибтидоий-чиркин ғояларни янчиб ташлашдир.

Тажриба шуни кўрсатадики, дунёдаги ҳеч бир воқеа-ҳодисага кўз қири билан қараб бўлмайди. Агарда, хотиржамликка берилса, эрта-индин ушбу боқибеғамлик қимматга тушиши мумкин. Президент Ислом Каримовнинг

"Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида қуйидаги жумлалар бор: "Бундан буён ҳам ташвишли ҳодисалар бизни четлаб ўз йўлида ривожланаверади, барқарорлик ўз-ўзича сақланаверади, мамлакатнинг келажаги эса ўз-ўзидан таъминланган, дея фикр юритишни ҳам сиёсий, ҳам фуқаровий калтабилликдан бошқа нарса эмас, деб ҳисоблаймиз". Президентнинг марказ тўғрисидаги таклифидан ҳам ҳушёрликка даъват уфуриб турибди. Тўғрироғи, терроризмга қарши курашиш учун аввало огоҳ бўлиш керак. Бунинг учун эса терроризмга қарши курашни халқаро миқёсда марказлаштирилган тарзда олиб бориш мақсадга мувофиқ.

— Афғонистон можаросига барҳам беришда ЕХХТ иштироки сезилмаяпти, деган фикрлар мавжуд. Сизнинг бунга муносабатингиз?

— Афғонистондаги уруш ЕХХТни ҳам ташвишлантиради, албатта. У ерда одамлар асосий ҳуқуқ — яшаш ҳуқуқидан маҳрум бўлмоқда. Бу ҳудудда инсон ҳуқуқларининг мунтазам бузилаётганини гапирмаса ҳам бўлади. Ташкилотимиз ҳам мазкур можарони муроса йўли билан бартараф этиш тарафдоридир. ЕХХТ бу борада Президент Ислон Каримов ташаббуси билан ташкил этилган "6+2" гуруҳи фаолиятини қўллаб-қувватлайди. Муаммолар тугунини эслатувчи Афғонистон фуқаролар урушига мазкур гуруҳ саъй-ҳаракатлари яқун ясаса, не ажаб?! Чунки, жаҳон ҳамжамияти ҳам бу ташаббусни яқдиллик билан қўллаб-қувватламоқда. Биз ҳам бу урушни дунёнинг оғриғи, деб тан оламиз ва Президент Ислон Каримовнинг муаммога ечим излашга қаратилган чора-тадбирларини юксак баҳолаймиз. Ҳайлаймизки, бу уруш яқин ўртада буткул тугатилади ва у ерда ҳам тинч йўл билан осойишта ҳаёт ўрнатилади. Энг хавфли томони, айни пайтда бу ҳудуд терроризм ва наркобизнеснинг ўчоқларидан бири вазифасини ҳам ўтамоқда. Бу омил ҳам аъзо давлатлар хавфсизлигига қаратилган таҳдиддир. Муаммога ечим топилиши, ташкилотимиз олдидаги бир қанча мақсад ва вазифаларнинг амалга ошишига замин ҳозирлайди. ЕХХТ қонли тўқнашувларга нуқта қўйиш учун қўлидан келган барча ишни қилади.

— ЕХХТ ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик ва унинг истиқболлари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Йилдан-йилга ҳамкорлигимиз ривожланиб бормоқда. ЕХХТ Ўзбекистон учун манфаат келтирадиган лойиҳалар билан иштирок этишга интилоқда. 1999 йилда ташкилот миссияси бир неча бор бу ерда бўлиб, Ўзбекистон раҳбарияти билан музокаралар олиб борган ҳолда шарт-шароитларни ўрганиб қайтди. Тўғри, ўтган йили бир то-

мондан фаолиятимиз ҳақида танқидий фикрлар билдирилди. Биз мана шу эътирозлардан тегишли хулоса чиқариб, ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлашга интилоқдамиз. Ташкилотимиз бу борада ўз режасини ишлаб чиқди. Мақсадларимизнинг амалга оширилиши юзасидан мунтазам халқаро аҳамиятга молик тадбирлар ўтказаямиз. Келгусида ҳам икки томонлама ҳамкорлигимиз ривожланиб боришига ишончим комил. Чунки, ҳозирданоқ биз бунинг учун пухта пойдевор қўйиб бормоқдамиз. Биз учун қўл келадиган омил шундаки, Ўзбекистон ЕХХТи учун ишончли ҳамкор ҳисобланали.

ЎЗБЕКИСТОНГА ИШОНЧИМ БАЛАНД

Италиянинг Ўзбекистондаги фавкулотда ва мухтор элчиси Иоланда БРУНЕТТИХОНИМ билан суҳбат

— Элчихоним, Италия ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ва унинг истиқболлари тўғрисида гапириб берсангиз?

— Ўзбекистонда итальян ишбилармонлари билан ҳамкорликда 20 дан ортиқ қўшма корхоналар очилган. Дарҳақиқат, тадбиркорларимиз мамлакатингизга интилоқда. Биз давлатингизнинг хорижий сармоядорларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини қўллаётганлигини қадрлаймиз.

Яқинда юртингизда ўтказилган итальян ишбилармонларининг технологик кўргазмаси бизнинг халқларимиз ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир. 1999 йилда Марки вилоятининг мебель ишлаб чиқарувчи тадбиркорлари Ўзбекистонга келиб, шартнома имзоладилар. Италиянинг "Соими" компанияси ҳам Шўртан кимё мажмуини бунёд этишда иштирок этмоқда. "Алиния" эса Самарқанд, Бухоро, Урганч аэропортларини реконструкция қилиш лойиҳаси устида ишламоқда. "Текент" компанияси ойналар тайёрловчи корхона очмоқчи. Шунинг алоҳида айтиш керакки, Италия ишбилармонларининг Ўзбекистонга ишончи ва қизиқиши баланд.

— Италия билан биз қадимдан дўстона алоқа ўрнатиб келганмиз. Бугун қайтадан тикланаётган Буюк Ипак йўли бунинг ёрқин мисолидир. Чунки ушбу карвон йўли диёримизни Эрон, Туркия ва Урта Ер денгизи орқали Италия билан туташтирган. Ҳозирда Буюк Ипак йўлини тиклашдаги Италиянинг ўрни ва саъй-ҳаракатлари қандай бўлмоқда?

— Дарҳақиқат, қадимдан сиз билан бизни ушбу савдо йўли боғлаган. Ўзаро алоқаларимизнинг равнақ топишида унинг ўрни беқиёс. Ўтмиш тамаддунида мамлакат тарақ-

қиётини Буюк Ипак йўли белгилаб берган. Ҳозир ҳам автомобиль, ҳаво, денгиз, темир йўллар давлатларнинг жаҳон бозорига олиб чиқувчи асосий воситаларидир.

Эндиликдаги вазифа Буюк Ипак йўлида жойлашган мамлакатлар бир-бири билан муносабатларни мустақамламоғи керак. Унинг қайта тикланиши бўйича амалга оширилаётган тadbирлар ушбу минтақа давлатларининг тинимсиз саъй-ҳаракатларининг маҳсулидир.

Италия ҳам Буюк Ипак йўлининг қайта тикланишидан манфаатдор. Чунки, унинг замирида ҳамкорлигимиз янада ривожланади. Демак, қуруқлик ва денгиз йўли орқали "савдо карвон"ларимиз Тошкентни Рим билан боғлайди.

— Италия ҳам терроризмдан озор чекаётган мамлакатлардан ҳисобланади. Президент Ислом Каримовнинг "терроризмга қарши кураш халқаро маркази" ни тузиш тўғрисидаги таклифи бизнингча дунё ҳамжамияти хоҳиш-иродасини ифодалайди. Шундай эмасми?

— Албатта, дунёдаги ҳар бир давлат учун ушбу тadbирнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади. Бузғунчилик, диний ақидапарастлик ва фундаментализм оқибатида инсоният озмунча озор кўрдими? Унга қарши курашнинг бир неча усули бор.

Биринчидан, терроризмга қарши кескин ва шафқатсиз кураш олиб бориш.

Иккинчидан, бу хавфга қарши тарғиботни кучайтириш.

Терроризмга қарши курашнинг яна бир йўли — халқаро ташкилот тузишга бориб тақалади. Қарши курашни марказлаштирилган ҳолда олиб бориш самарали усуллардан. Президент Ислом Каримов ташаббусининг аҳамияти ҳам мана шунда.

— Маълумки, Италия ҳам европул бирлиги муомалага кiritилган мамлакатлардан. Шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Европул ўйланган сиёсат мевасидир. Бу валюта Европа Иттифоқи давлатларининг интеграциялашув жараёнини жадаллаштиради.

Европул бирлигининг келажаги порлоқ. У аввало Европа Иттифоқи аъзоларининг иқтисодий юксалишини таъминлайди.

— Маданий алоқалар тўғрисида ҳам гапириб ўтсангиз.

— Дирижёр Гуарери ва хонанда Санте Дерекко Ўзбекистонда концерт берди. Иқтидорли пианистнинг санъати юртдошларингизга манзур бўлди. Шунингдек, халқаро кинофестивалларда ҳам мунтазам фильмларимиз билан қатнашмоқдамиз. Биз диёрингизда итальян тилини ўргатадиган бешта курс очдик. Йилдан-йилга маданий алоқаларимиз тобора ривожланмоқда.

— Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд деб эъл қилиниши гоёсига қандай қарайсиз?

— Бутун дунё учун, башарият учун хавф туғдирадиган қуроллар тақдирини ўйлаб кўришга тўғри келади. Қолаверса, ҳозирда уларга эҳтиёж ҳам, талаб ҳам йўқ. Биз қурраи заминимиз қисматига бефарқ қарамаслигимиз керак. Ундаги ҳар бир инсон тинч-осойишта ҳаёт кечиришга ҳақли. Президент Ислон Каримовнинг ташаббуси минтақа аҳолисининг хотиржамлигини кафолатлайди, деб ўйлайман. Италия ҳукумати яқинда ядро қуролига қарши сиёсат юритиш тўғрисидаги ҳужжатга имзо чекди.

— Ватанимиздаги элчилик фаолиятингиз ҳам якунланди. Сизда мамлакатимиз қандай таъассурот қолдирди?

— Ўзбекистон билан хайрлашиш мен учун оғир. Чунки, юртингизда ўзимни бахтиёр ҳис қилдим. Ҳатто унга ўганиб қолдим ҳам. Президент Ислон Каримов томонидан "Дўстлик" ордени билан тақдирланишим ҳам мамлакатингизга бўлган муҳаббатимнинг бир белгисидир ва дўстликни мустаҳкамлаш йўлида амалга оширган хизматларимнинг самарасидир, деб ўйлайман.

Сизнинг бой ва сермазмун ўтмишингиз ҳам қадимийдир. Ўзбекистон ва Италияни уч-тўрт минг йиллик тарихий ришта ҳам боғлаб турибди.

Айтмоқчи, ўзбек миллий таомлари менга ёқиб қолди. Уларнинг таъми ҳали-бери оғзимдан кетмаса керак.

МАМЛАКАТИНГИЗ "ОСИЁ ЙЎЛБАРСИ" БЎЛИШИГА ИШОНАМАН

Яқинда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети бир гуруҳ талабалари Япониянинг "Сумитомо корпорейшн" фирмаси стипендиясини олишга муваффақ бўлишди. Мазкур фирма фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида фирманинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Мицуго Томито билан суҳбатлашдик.

— Республикамиз билан "Сумитомо корпорейшн" ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг ўрнатилишига нималар тurtки бўлди?

— 1994 йил июн ойида "Сумитомо корпорейшн" Тошкентда ўз ваколатхонасини очди ва ишлаб чиқаришни, саноат ва савдо-сотиқни ривожлантиришга бел боғлади. Бугунги кунда икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган ҳужжатлар мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

— "Сумитомо корпорейшн" кўп тармоқли фирмаси ҳақида қисқача гапириб ўтсангиз?

– "Сумитомо корпорейшн" универсал фирма. У Япониянинг энг машхур фирмаларидан ҳисобланиб, йирик, молиявий саноат учлиги таркибига киради. Фирма бугунги кунда МДХ мамлакатлари билан ҳамкорлик шартномалари имзолаган бўлиб, мустақил республикалар билан ҳар томонлама фаолият юргизмоқда. Жумладан, жаҳон бозорига тез ва сифатли ахборот, янги ва харидоргир моллар, халқаро стандартдаги замонавий технология етказиб беради. Шериклар билан молиявий ҳамкорлик қилиб, инвестициялар етказиш ва қўшма корхоналар тузади, товар айирбошлайди. Жаҳоннинг 150 дан ортиқ шаҳарларида фирманинг ваколатхоналари ишлаб турибди. Кўп тармоқли фирмамиз дунёда ўз ўрнини топиб, эндиликда йилдан-йилга юксалмоқда. Ҳозирда юртингиз билан ҳам иқтисодиёт жабҳасида истиқболли тадбирлар ишлаб чиқмоқдамиз.

– Нега айнан Тошкент шаҳри Бектемир туманида фирмангиз фаолият кўрсатмоқда?

– Бектемир тумани авваламбор инфраструктура учун қулай шарт-шароитларга эга. Шунинг эътиборига олиб, бу ҳудуддаги 200 гектар майдонда саноат минтақаси барпо этишга киришдик. Ҳисоб-китобларга қараганда, саноат минтақаси 50 ёки 80 та завод, фабрикадан ташкил топади. Иш билан банд меҳнат ресурслари сони 25 минг нафарга етади. Маълум бўлишича, ушбу ишларга 1-1,5 млрд. доллар миқдоридagi инвестиция сарф қилинади. Шуниси ҳам борки, саноат минтақасининг келажаги порлоқ. Бу бизнинг Индонезиядаги Шимолий Жакарта саноат минтақаси барпо этишдаги тажрибамиздан маълум. Бу минтақа айни пайтда тараққий этиб, 80 фоиз ўз маҳсулотини экспорт қилмоқда. Шимолий Жакарта саноат минтақаси ўз ичига 63 йирик компанияни бирлаштиради. 30 минг нафар киши эса мазкур компанияларда ишламоқда. Ушбу минтақа учун 3 миллиард АҚШ доллари ўтказилди. Минтақа босқичма-босқич бунёд этилди. Фирма даставвал инфраструктура қуриб, 1992–1995 йилларда эса қурилиш ишлари билан шуғулланди. Тўрт йил ўтар-ўтмас муваффақиятларимиз яққол кўзга ташланиб қолди.

– Маълумки, фирма республика таълим-тарбия тизимига ҳомийлик кўрсатмоқда. Бундан мақсад нима?

– Ҳа, бугунги кунда "Сумитомо корпорейшн" Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетининг иқтидорли талабаларига мунтазам ўз стипендияларини бериб келмоқда. Дарвоқе, фирма ҳисобидан 4 нафар ўзбек фуқароси Японияга бориб, малакасини ошириб қайтди.

Ҳозирги кунда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда Тошкентда техника лицейи ҳамда Са-

марқандда ўрта мактаб қуриш лойиҳаси ишлаб чиқилди.

— "Сумитомо корпорейшн" Ўзбекистонда яна қандай ишларни амалга оширмоқда?

— Фирма Самарқанд, Бухоро, Урганч аэропортларини модернизациялаштиришда иштирок этмоқда. Оз вақт ўтгандан сўнг вилоятлар тайёрагоҳлари ҳам жаҳондаги манаман деган аэропортлар билан беллаша олади. Аэропортларнинг замонавий тус олиб, жаҳон талабларига жавоб беришига шубҳа йўқ. Шу билан бирга "Шамбон" ва "Анкор" француз фирмалари билан ҳамкорликда Тошкентда уч юлдузли транзит меҳмонхона қурилиши бошланиш арафасида. Лойиҳа 1,5 млрд. доллар туради. Агарда бино қуриб битказилса, у ҳам албатта Тошкент кўркига кўрк қўшади.

Шу билан бир қаторда фирма Марказий Осиё минтақасида, биринчи навбатда, Тошкент шаҳрида ер усти транспорти ривожини, божхона хизматини тезлаштириш, орбитуштириш ва дистрибютерлик операцияларини яхшилашга хизмат қиладиган "қуруқлик портлари"ни вужудга келтириш имкониятларини кўриб чиқмоқда. Маълумки, жорий йил ЮНЕСКО томонидан Экология йили деб эълон қилинди. "Сумитомо корпорейшн" ҳам япон грантларига асосланиб, Чирчиқ шаҳрини ободонлаштириш ва тозалаш лойиҳасига кўра махсус ёрдам кўрсатди.

ҲАР БИР ТАДҚИҚОТ МИЛЛАТ РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

**Тошкент автомобиль йўллар институти ректори,
профессор Сарвар ҚОДИРОВ билан суҳбат**

— Тўққиз йил бир қарашда кўз очиб, юмгунча муддат бўлса-да, лекин мамлакатимизда амалга оширилган оламшумул ўзгаришлар жиҳатидан эса уни катта муҳлат дегим келади. Гап шундаки, 9 йилда Ўзбекистонда улкан янгиликлар рўй берди. Ҳар бир йилнинг салмоғи тўқсон йилга тенг бўлди, — дейди Сарвар Қодиров. Негаки, 9 йил мобайнида Ўзбекистон ўз автомобиль саноатига эга бўлди ва дунёдаги автомобиль ишлаб чиқарувчи 28 та давлат қаторидан ўрин олди. Дарҳақиқат, ЎзДЭУавто ва Самкочавтодек заводларимизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларимиз улкан муваффақиятимиздир. Айтинг-чи, бундан 9 йил аввал ўзбек автомобиллари ишлаб чиқарилиши ёки унинг жаҳон бозорига чиқишини тасаввур қилганмидик? Сизга яна бир сирни очиб қўяй, биз — институт олимлари, мустақиллик меваси — биринчи ўзбек автомобили лойиҳасини яратдик. Ҳозир ушбу автомобилни йиғиш таралдуди-

дамиз. Ҳайлайманки, ҳамма қулайликларга эга "Сано" автомашинаси ҳамюртларимга маъқул бўлади. Бундан ташқари, фермерларимиз учун "УАЗ-фермер" автомобилени яратдик. Ушбу автомобиль 100 километрга саккиз литр дизел ёқилғиси сарфлайди. Икки йўловчи билан бирга 1,5 тонна юкни бемалол кўтаради. Муваффақиятли томони шундаки, бу автомобиль Ўзбекистон шароитига мослаштирилган.

— Сарвар Муқодирович, сизнингча ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун яна нималар қилишимиз керак?

— Ҳар куни ўн дақиқаси кам саккизда институтда Ватанимиз мадҳияси янграйди. Бу айни биз истаган натижа. Негаки, Ватанга муҳаббат унинг рамзларидан то оддий гиёҳгача бўлган нарсаларга меҳрдан бошланади. Ҳар бир талаба уни кўшилиб куйлашга одатланмоқда. Нега АҚШ-лик талаба ўз байроғини бошига қўйиб ухлайди. Ёки мадҳияси қаерда янграшидан қатъий назар овозини баралла қилиб куйлайди? Гербинини ҳам кўзига суртади. Чунки, у Ватан туйғуси ана шулардан бошланишини яхши англайди. Кореяга борганимда ёшларнинг ўз миллатини қанчалик севишини ҳис қилдим?! XXI аср бизнинг асримиз бўлади, дейди корейлик ёшлар. Ўзбек ёшлари ҳам бошқа мамлакат ёшларидан қолишмайди. Фақат уларда миллий ғурурни уйғотишимиз керак. Улар жон-жаҳди билан "буюк келажак қураимиз" деб яшашсин. Бунинг учун гўдакликдан фарзандларимизни ватанпарварлик руҳида тарбияламоғимиз зарур. Керак бўлса, мадҳиямизни она алла қилиб айтсин. Гўдакнинг "Ватан" деб тили чиқсин. Ота-она бунинг учун масъулдир.

Дарахтнинг ривожини ниҳолга боғлиқ бўлганидек, миллатнинг ҳам тақдири ёшларга боғлиқ. Қишлоқларимизда иқтидорли ёшларимиз кўп. Биз уларни кашф этишимиз, жойларда ёшлар ташкилотларининг фаоллигини оширишимиз лозим. Қолаверса, иқтидорли ёшларни излаб топадиган махсус марказларни тузсак, фойдадан холи бўлмасди. Демак, ҳар биримиз ёшларни қўллаб-қувватласак, ютуғини кўриб қувонсак ёки камчилигини тузатсак — келажак олдида ўз вазифамизни бажарган бўламиз.

Тақдир бизнинг зиммамизга мустақилликни авайлаш ва ёрқин келажакка пойдевор қўйиш вазифасини юклади. Бу масъулият ҳамма авлоднинг ҳам зиммасига тушавермайди. Бу бир томондан шараф бўлиш билан бирга улкан масъулият ҳамдир. Катта авлод вакиллари бунинг маъзига етишлари керак, деб ўйлайман. Шунинг учун ким бўлишимиздан қатъий назар, онг-шууримизни истиқлол нури

билан йўгрилтиришимиз, келажак биноси учун ҳеч бўлмаганда бир дона гишт қўйишимиз шарт.

— Институтда ўзбек тилида дарсликлар яратиш жараёни қандай бормоқда?

— Беш-олти нафар олимларимиз дарсликлар яратиш устида иш олиб бормоқда. Ҳозирги дарсликнинг олдингисидан фарқи бор. Чунки бугунги қўлланмадаги асосий ғоя мустақилликдир. Гарчи, институтда асосан техника фанлари ўқилса-да, уларда ҳам миллий ғоя етакчилик қилмоғи лозим. Менимча, биз дарсликларимиз орқали ёшларимизга қуйидагиларни тушунтириб бермоғимиз керак.

Биринчидан, автосаноат, автойўл ва автотранспортдаги муваффақиятлар озодлик туфайли эмасми? Иккинчидан, таълим тизимининг замонавийлашувига ҳам асосий туртки озодлик бўлди. Учинчидан, мустақиллик бўлмаганида ёшларимиз чет элларда ўқирмиди?

Биласизми, миллат дарди билан яшамаган олим олим эмас?! Ахир, унинг ўз халқига фойдаси тегмаса, олимлигининг кимга кераги бор. Назаримда бугунги олимларимизнинг ҳар бир тадқиқоти миллат равнақига хизмат қилмоғи даркор. Албатта, ҳар бир олимнинг салоҳияти унвонлари билан эмас, жамиятта келтирган нафи билан ўлчанади. Ҳозирги олимларимизнинг ҳаммасини ҳам фидокор деёлмайман. Чунки, кун ўтарга ишлаб юрган олимлар ҳам йўқ эмас.

— Энг катта орзуингиз нима?

— Шўролар даврида хорижий мамлакатларда ишлаб чиқилган автомобилларни кўрсам, ҳавас қилардим. Мана, мустақиллик туфайли ўз орзуйимга эришдим: ўзим автомобиль ихтирочиларилан бириман. Яна бир орзуйим: Ўзбекистонни энг ривожланган мамлакат сифатида кўриш. Мен ишонаман, мустақил мамлакатимиз 5-10 йил ичида янада тараққий этади. Бундай дейишимга асос бор. Чунки, Юртбошимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотлар катта самара бермоқда.

АЛПОМИШ ТАҚДИРИ — МИЛЛАТ ТАҚДИРИ

"Алпомиш" дostonи ўзбек миллатининг фахри. Фольклоршунос олим Омонулла Мадаев билан бўлган суҳбатимиз ҳам дoston ва миллат тақдири ўртасидаги боғлиқлик ҳақида бўлди.

— Аввало айтмоқчиманки, "Алпомиш" ўзбек халқининг фарзанди. Халқ фаровон яшаса, кўкрагига шамол тегса, "Алпомиш"нинг кўкрагига шамол тегсади, — дейди Омонулла ака. Халқ оғир аҳволга тушса, Алпомишнинг ҳам аҳволи оғирлашаверади. Кейинги 80 йилга бир назар

солайлик. 20-йилларда халқ оғзаки ижодига бўлган эътибор кучайди. Меҳнатга бўлган муносабатнинг ўзгариши "Алпомиш"нинг куйланишига ҳам таъсир қилди. 30-йилларга келиб эса, шахсга сифиниш оқибатида қатлиом бошланди. Шу пайтдан бошлаб Фитрат, Чўлпонга қандай муносабатда бўлинган бўлса, "Алпомиш"га ҳам худди шундай муносабатда бўлинди. Ҳатто, бахшилар орасида ҳам қатағон бўлганлари бор. Масалан, Хоразмда Амаб бахшини дoston айтгани учун ўлдириб юборишган эди. Ислом дини қораланиши билан дostonнинг тегишли қисmlари олиб ташлана бошланди. 50-йилларда унга қайта "ҳужум" қилинди. Кўряпсизми, "Алпомиш" дostonи тақдири ҳам ўзбекнинг тақдири билан ўхшаш: "Алпомиш" — бу халқ дostonи эмас, бойларнинг сиёсати акс этган асар, деган руҳдаги мақолалар чоп этила бошланди. Тақдир ўйинини қарангки, 52-йилда ёзувчиларимиз ижоди қандай таҳлил қилинган бўлса, шундай нуқтаи назар билан ёндошилди. Ушанда умрининг охириги кунларини яшаётган Фозил Йўлдош ўғли "Алпомиш"нинг тазйиққа учраганини кўриб қаттиқ изтироб чекди. Шундай вазиятда халқимизнинг Фафур Фулом, Ойбек каби олим, ёзувчи ўғлонлари "Алпомиш"ни жон-жаҳдлари билан ҳимоя қилдилар. Биз дostonнинг қайси нусхасини таҳлил қилаёпмиз? Яна нечта нусхаси бор? — деган саволни ўртага ташлашди. "Авалло дostonнинг қолган 28 нусхасини ҳам ўрганайлик, кейин хулоса чиқарамиз", — дейишди улар. 60-йилларга келиб бу совуқ шамол бироз пасайди. "Алпомиш"га ҳужум қилиш тийилди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ҳақиқий "Алпомиш" юртига қайтди, ўз қадрини топди, эъзозланди.

— Дostonнинг ҳозирги ёшларимиз тарбиясидаги аҳамияти ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Эътибор берган бўлсангиз, асар бошида Кўнғирот ва Бойсун эли бир-бири билан ажралиб кетади. Алпомишнинг мақсади шу элларни бирлаштириш эди. Демак, дostonда Ватанни, ота-онани севиш, кичикка иззатда, катталарга ҳурматда бўлиш амалий жиҳатдан ўз ифодасини топган. Юрт бузғунчилари қораланган. Иккинчи тарбиявий жиҳати ҳалоллик, поклик масаласи. Асарда Товка ойим бозорни назорат қилаётганда кимнинг тарозисидаги тоши енгил келса, ўшанга қаттиқ жазо чорасини қўллаган. Халқ олдида шарманда қилиб, калтаклаган. Бу ўқувчида ҳаромдан ҳазар қилиш ҳиссини уйғотади.

Асардаги яна бир воқеани эсланг. Алпомиш нима учун Қайқубодни қалмоқ элига подшо қилди? Нимага ўшанда ўзини Қайқубоддан ожиз, кўрққан қилиб кўрсатди? Шу ўринда давлатни сиёсат билан, ақл билан бошқариш ғояла-

ри дostonда илгари сурилганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Ёки асар охирида Алпомиш ўз юртига Култой қиёфасида боради. Ўзини танитиб, Ултонтоздан тахтни талаб қилишга тўла ҳаққи бор эди-ку? Йўқ. У халқ ўзи ҳақида қандай фикрдалигини, элининг турмуш тарзини, яхши-ёмонни ўз кўзи билан кўрди. Бу билан бахши, "агар ҳақиқий ҳукмдор бўлсанг, халқнинг турмуш шароитини, аҳволини ўз кўзинг билан кўриб, оддий одам сифатида баҳола, ана шунда сен ҳаққоний қарорлар чиқарасан", демоқчи.

— Бугунги кунда газета саҳифаларида "Алпомиш" дostonи ҳақидаги мақолаларнинг бир хиллигига кўзимиз тушади. Бу ҳол дostonнинг янгича ўрганилиши кераклигини талаб қилмайдими?

— Шунини айтиш керакки, олимларимиз негадир бирваракайига "Алпомиш" дostonининг яратилиш даврини аниқлашга киришиб кетишди. Газета ва журналларда чиқаётган жуда кўп мақолаларнинг асосий йўналиши "Алпомиш" дostonининг яратилиш даврига бағишланган. Албатта, бу муҳим аҳамиятга эга. Лекин, дostonнинг яратилиш даври ҳақида ҳаддан ташқари кўп мунозара юритиш шарт эмас. "Алпомиш" дostonи мифологиядан афсонага, афсонадан ривоятга, ривоятдан эртакка, эртакдан дostonга кўчган деган фикрлар мавжуд. Шунини ҳисобга оладиган бўлсак, бизда "Алпомиш"нинг айрим эртак вариантлари бор. Ёки бўлмаса, "Дада Қўрқут"да "Бамси Бейрак" дostonи берилади. Бу кўпроқ шеърини йўналишдаги асарлар. Шунинг учун биз унинг қандай шаклда ва қайси даврда яратилганлиги ҳақида бир-иккита мақола орқали етарлича маълумотга эга бўлишимиз мумкин. Биз кўпроқ "Алпомиш" дostonининг матнига эътибор беришимиз керак.

Агар сиз кўпчилик билан бевосита суҳбатда бўлсангиз, бу дostonни баъзилар ўқимаганлигига амин бўласиз. Бунинг сабаби нимада? Айримлар вақтим йўқ деса, баъзилари "Алпомиш"ни кўп эшитганмиз, дейди. Ваҳоланки, "Алпомиш" дostonи саҳифаларидаги бадиийлик очилмаяпти. Дostonнинг шундай чиройли бадиий нуқталари борки, масалан, пойгада кетаётган отларга Барчиннинг қилган ноласи ёки дostonдаги отнинг эгарланиш ҳолатларини олиб қарайлик. Ҳатто, асарда Бойчиборнинг руҳий ҳолати акс эттирилган бадиий нуқталар бор. Муродтепада Бойчибор қовдон еяётган пайтида 14 та отнинг келаётганини кўради. Буни кўриб, отнинг еяётган қовдони томоғида қолади. Нимани ўйлайди денг: "Оббо, бу келаётган отлар тулпор бўлса, устига мингани душман бўлса, Алпомиш мени миниб қочса, кейинимдан қувиб етса, бечоранинг ёлғиз ўғли ўладиган бўлди-да", деса, отлар яқинлашганидан кейин:

"Бу отларни қувсам етаман, қочсам қутулиб кетаман экан", деб қовдон ейишни давом эттираверади.

Биз биринчи навбатда таҳлил қиладиган масала — бу бадиият. Яна бир нарса, биз "Алпомиш" дostonини бошқа дostonлардан ажратган ҳолда ўрганаяпмиз. Ваҳоланки, "Алпомиш" дostonида 731—732 йилларда ёзилган Ўрхун — Энасой ёзувларидаги руҳ мавжуд. Тўюнқуқ, Култекин, Билгахоқон битикларидаги тил услуги "Алпомиш" дostonига ўхшаб кетади. "Подшоси мард экан, маслаҳатчиси аллома экан, душманга тинчлик бермас экан". Тўюнқуқ битигида ҳам айнан шу гап бор. Ёки бўлмаса: "Душманнинг бу фикрини билиб, кечаси ухламадим, кундузи ўтирмадим". Биз асарнинг мана шу жиҳатларига эътибор беришимиз керак. Агар биз "Алпомиш" дostonи мисолида Ўрхун — Энасой ёдгорликларидаги тил бизни кига яқин, тўғри келишини исботласак, Тўюнқуқни — умуман, ўша битик тошлардаги ёзувларни бизнинг аждодларимиз ёзганлигига яна бир бор амин бўламиз. Энг муҳими, биздаги ёзувлар маданияти жуда қадимий эканлигини кўрсатган бўламиз-ку ахир?! Бинобарин, "Алпомиш" дostonини ўрганишда бир йўналишдан эмас, умумий йўналишдан бориш зарур. Бу масалада ҳар бир олим топганини ўртага қўйса, дostonнинг обрўи борган сари ошиб бораверади. "Алпомиш" дostonидаги демократия, миллий мафкура масалалари алоҳида-алоҳида ўрганилиши керак. Бу ишга кўпроқ истеъдодли ёшларимизни жалб қилишимиз лозим. Шунда "Алпомиш" дostonининг гўзаллиги янада яққолроқ намоён бўлади.

ЎЗБЕК РАҚСИНИ ДУНЁ ОЛҚИШЛАМОҚДА

Миллий рақс санъати ҳақида гап кетганда кўз ўнгимизда Тамараҳоним, Мукаррама Турғунбоева сингари машҳур ва латофатли раққосалар гавдаланади. Улар ардоқлаган, ривожлантирган, бойитган мазкур санъат турини бугунги кунда уларнинг шоғирдлари эъзозлаб келаётир. Ўзбекистон халқ артисти, "Баҳор" ансамбли бош балетмейстери ва бадиий раҳбари Маъмура Эргашева билан бўлган суҳбатимиз ҳам ўзбек рақсининг бугуни ҳақида.

— Ҳозирги кунда ҳам ансамблимизда Мукаррамаҳоним асос солган даврдаги руҳ сақланиб келмоқда. Рақсларимизда биринчи галда миллийлик кўзга ташланиб туради, — дейди Маъмура Эргашева. Парижга борганимда рақсимизни томоша қилиб бир француз аёл ёнимга келди. "Кўп халқларнинг рақсларини кузатиб бораман. Ўзбек рақси жозибадорлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Айниқса, раққосалар маҳоратининг юксаклигидан хаёлимга "ос-

мондан қанот қоқиб келаётган оппоқ фаришталар келади", деди.

Француз аёли айтаётган жозоба миллийликнинг маҳсулидир. "Баҳор" ансамблининг репертуарларидан ҳам асосан миллий рақсларимиз жой олган. Айтмоқ-чи, фаолиятимиздан мақсад ҳам ўзбек рақсларини асраб-авайлаш ва ривожлантиришдан иборатдир. Бугунги кунда Қундуз Миркаримова етакчилигида қадимий, яъни унутилган рақсларимизни тикламоқдамиз. Бу эса ансамблимиз "олтин фонди"ни бойитмоқда.

— Маъмура опа, миллий рақсимизни ривожлантириш учун яна қандай ишларни амалга ошириш зарур?

— Ҳукуматимиз ғамхўрлиги боис ўзбек рақсини дунё эътироф этмоқда. Рақсимиз жаҳон кезиб, ўз миллийлигини кўз-кўз қилмоқда. Соҳамизга етарли даражада эътибор берилмоқда. Эндиликда ҳамма гап ўз устимизда ишлаб, ишончли оқлашда қолди. Биринчи навбатда, олдимиздаги муҳим вазифа — рақс дастурларини бойитиш ва ранг-баранг қилиш.

Биласизми, раҳматлик устозимиз Мукаррама Турғунбоева дастамизни академик ансамблга етказмоқчи эдилар. Бизнинг яна бир режамиз, устозимиз ниятини рўёбга чиқариш ва руҳини шод этишдир. Рақсимиз муваффақиятлари — шубҳасиз, ушбу қутлуғ кунларни орзу қилган мўътабар устозларимизнинг сермашаққат меҳнатининг самарасидир.

— Узр. Раққосалар тўғрисида баъзан ножўя гаплар эшитиб қоламиз. Айтинг-чи, узун-юлуқ гапларнинг тарқалишига сабаб нимада?

— Ҳар ким ҳам қўл силкиб, давра айлангани билан раққоса бўлиб қолмайди. Рақс санъат, у ҳавас эмас. Тўйларимизда отарчилар билан биргаликда ўйинчилар ҳам "хизмат қилади". (Эътибор беринг, раққоса дейилаётгани йўқ.) Айнан мазкур қўштирноқ ичидаги раққосалар, тўғрироғи, ўйинчиларнинг кўз сузиш, суйкалиш сингари қилиқлари раққосаларимиз номига доғ туширмоқда. Бирнинг касри мингга уради, деб шунга айтсалар керак-да. Дарҳақиқат, кўпчилик раққосалар билан ўйинчини фарқлай олмайди. Раққоса бу профессионал касб соҳиби. У ўз умрини санъатга бахшида этади. Ўйинчи учун эса рақс санъати ва уни билишнинг аҳамияти йўқ. У тўйларда бир амаллаб ўйнаб даврани "қизитса" бўлгани. Маст-аласт ишқибозларга ўйинчи маҳоратининг аҳамияти ҳам йўқ. Менимча, узун-юлуқ фикрларнинг "куртак отиши"га ушбу омил сабабчи.

Яна шуни таъкидлашим керакки, кўпчиликда рақс санъатини томоша қилиш маданияти шаклланмаган. Ўзингизга маълум айрим ҳолларда атрофдан "аканг айлансин", "қоматингдан", "ўзим ўргилай" деган ноўрин сўзларни

эшитиб қоламиз. Ўзини ҳурмат қилган одам бировни ҳам қадрлайди. Ўша шоввоз мазкур раққосанинг ўрнига ўз опанглисини қўйиб кўрсин. Кейин эси киради, ҳижолат ҳам бўлади.

НАВОИЙ БИР ҚУЁШДИРКИ...

Жаннатхоним Нагиева — озарбайжонлик навоийшунослардан. У киши сингари олимларнинг машаққатли меҳнати билан Озарбайжонда навоийшунослик ривожланди. Дунё навоийшунослигининг янги-янги топилмалар билан бойишида жумладан, олиманинг хизматлари катта. Яқинда олима Тошкентда бўлди. Биз Озарбайжонда навоийшунослик ривожини борасида Жаннатхоним Нагиевани суҳбатга тортдик.

— 1965 йилда Бокуга Ҳамид Сулаймон ташриф буюриб, конференцияда Навоий ижоди тўғрисида маъруза қилди. Ишонсангиз, маърузани жон қулоғим билан тингладим. Нутқ таъсири ўлароқ, Навоийга бўлган қизиқишим ортди, — дейди суҳбатдошим. — Бошқа илмий ишларни йиғиштириб қўйиб, унинг ижодини тадқиқ қилишга шўнғидим. Озарбайжондаги қўлёзма ва тошбосма асарлар рўйхатини тузиб чиқдим. Докторлик диссертациям ҳам ушбу мавзуга бағишланди. "Навоий ва Озарбайжон адабиёти" ҳамда "Навоий асарларининг Боку қўлёзмалари" номли китоблар яратдим. Ингилишларим маҳсули сифатида ўнлаб илмий мақолаларим дунёга келди. Ҳозир илмий мақолаларимни бир мажмуа ҳолида нашр этмоқчиман. Шунингдек, меҳнатим маҳсули ўлароқ Навоий газалларига бағишланган мухаммаслар китоб шаклида чоп этилмоқда. Ҳали қилинадиган ишлар талай. Ёшим 74 га етди. Бошлаган ишларимни ниҳоясига етказолмайман, деб кўрқаман. Чунки, Навоий ижодига доир илмий тадқиқотлар кўлами кенг. Унинг ҳажми узоқ йилларга етгулик.

Қарийб қирқ йиллик умрим мазкур меросни ўрганишга сарф бўлди. Озарбайжонда мавжуд барча қўлёзма ва тошбосма асарларни кўздан кечирдим ва қуйидаги хулосага келдим: Навоий бутун авлодларга еттулик хазина қолдирди. Бутунга қадар бу хазинанинг ўндан бир қисми синчиклаб ўрганилди, холос. Ҳали очилмаган "қўриқлар" қанчадан-қанча. Алишер Навоий шундай буюк ижодкорки, у кишининг меросини ўрганишга бир олим умри камлик қилади.

Алишер Навоий ҳақиқатан бетакрор истеъдод соҳиби бўлган. У кишининг фаолияти бутун авлодларга ибрат бўлгулик. Мен ҳам улуғ алломадан қандай яшаш кераклигини ўргандим. Навоийнинг яшаш концепцияси баркамолликка етаклайди.

— Навоийнинг Озарбайжон адабиётининг тараққиётига қўшган ҳиссаси тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Навоийнинг озар адабиётига таъсири шундаки, бизнинг шоирларимиз шеърят мулкининг султониغا эргашди: Фузулидан тортиб, Нобарийгача.

Даҳонинг адабиётимизга таъсири қуйидаги ҳолатларда кўзга ташланади:

биринчидан, шеърятимизда, Навоий ғазалларига мухаммас боғламаган ижодкор камдан-кам топилади. Чунки, шоирларимиз салоҳияти мана шу мухаммас билан ўлчанган;

иккинчидан, Навоийгача озар шоирлари форс тилида қалам тебратган. Буюк мутафаккирга эргашиб эса анъанани бузган ҳолда ўз тилида ижод этишни бошлашди;

учинчидан, шоирларимиз ижодини тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, улар Алишер Навоийнинг сўз бойлигидан, бадиийликдан фойдалана олиш маҳоратидан, шеърларидаги шакл ва мазмун бирлигидан "андоза олишган". Адабиётимиздаги кўтарилиш бевосита ва билвоста улуғ ижодкор фаолияти билан боғлиқ;

тўртинчидан, 1920 йилгача Бокуда навоийхонлик кечалари ўтказилган.

— Озарбайжон халқи Навоий асарлари тилини қандай тушунади? Умуман, қардошларимизнинг даҳо ижодига муносабати қандай?

— Озар оилаларида Навоий асарларининг қўлёзмалари сақланади. Улар бўхчага солиниб, осиб қўйилган. Изланишларим шуни кўрсатдики, Навоий Озарбайжон халқи учун ҳам азиз ва қадрдон. Улар Навоий номини туркий адабиёт асосчиси сифатида чуқур эҳтиром билан тилга олишади. Озарбайжон мумтоз адабиёт тақдири Навоий ижоди билан чамбарчас боғлиқ. Негаки, бизнинг адабиётимиз мазкур булоқдан сув ичиб, қувват олган.

Бир хонадондан буюк санъаткорнинг ноёб қўлёзмасини топиб олдим. У "Мажолис ун-нафоис"нинг ранг тасвири нусхаси эди. Бу нусха дунёда ягонадир. Шу хонадон вакили айтдики, Навоий бир қуёшки, унинг ижодидан баҳра олишга бутун дунё талпинади. Чунки, шоир бетакрор меросининг қудрати ҳали-ҳануз жаҳон адабиётшуносларини ҳайратга солиб келмоқда.

Биласизми, унинг ғазалларини ўқисам, ақлим шошиб қолади, бир умрга маънавий озуқа оламан.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|----|
| Моҳиятни англаш — саодатдир | 3 |
| Аждодларга муносиб авлод бўлайлик. | 4 |
| Бир неъматки, жондан-да тотли! | 6 |
| Озодлик — илоҳий неъмат. | 8 |
| Мустақиллик — масъулият. | 13 |
| Миллатни миллат қиладиган ёшлар | 16 |
| Бизнинг йўлимиз — илм йўлидир | 20 |
| Спорт — тарбия демакдир. | 22 |
| Ўзбеклар — қудратли халқ | 26 |
| Ўзбекистон — ишончли ҳамкор. | 29 |
| Ўзбекистонга ишончим баланд | 32 |
| Мамлакатингиз “Осиё йўлбарси” бўлишига ишонаман. | 34 |
| Ҳар бир тадқиқот миллат равнақига хизмат қилсин | 36 |
| Алпомиш тақдири — миллат тақдири. | 38 |
| Ўзбек рақсини дунё олқишламоқда | 41 |
| Навоий — бир қуёшдирки | 43 |

Илмий-оммабоп нашр

Шерхон Қораев

МУСТАҚИЛЛИК МОҲИЯТИ

Муҳаррир *Н.Жўраева*

Мусаввир *А.Бобров*

Бадий муҳаррир *М.Карпузас*

Техник муҳаррир *Т.Смирнова*

Кичик муҳаррир *Н.Фозилова*

Мусахҳиҳ *М.Насритдинова*

ИБ № 3911

Босишта 22.09. 2000 й. да рухсат этилди. Бичими 84x108 ¹/₃₂ 2,52 шартли босма тобок. 3,0 нашр босма тобоғи. Жами 1500 нусха ^{10/59}...- рақамли буюртма 142-2000 рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Қораев, Шерхон.

Мустақиллик моҳияти.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2000. — 48 б.

"Мустақилликни тушунмайдиган инсонларни кўриб, куйиб кетаман, — деб ёзилади қўлингиздаги китобнинг дастлабки суҳбатида. — Кўзингни оч, мустамлака мамлакатлар ҳолига боқ, Қара, озодлик учун жон олиб, жон беришмоқда, дегим келади уларга".

Аждодларимиз мустақиллик учун курашишган деб такрорлаймиз. Ҳолбуки жасоратли аждодларга муносиб авлод бўлишимиз керак. Муносиб бўлмасак, улар билан фахрланишга маънавий ҳаққимиз йўқ. Ушбу китоб муаллифи суҳбатлашган олимлару шоир-ёзувчилар, элчилар ва бошқа касб соҳибларининг фикрлари ҳам мустақилликни қадрлаш ва жасоратли аждодларга муносиб авлод бўлишга қаратилади.

ББК 66,5 (5у)



2858

А. И. Ковалев

Керем

